

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Қарши муҳандислик - иқтисодиёт институти

Магистратура бўлими

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 336.72**

Нусратов Рамзиддин Бахтиёр ўғли

**“Мамлакатни модернизациялаш шароитида ижтимоий соҳа
тармоқларига инвестицияларни жалб қилиш самарадорлигини
ошириш йўллари”
(Қашқадарё вилояти мисолида)**

Мутахассислик: 5A230102 – Иқтисодиёт (ижтимоий соҳа иқтисодиёти)

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

Илмий раҳбар:
_____ и.ф.н., доц. **Ш.Ш.Файзиева**
“ _____ ” _____ **2015 йил**

Қарши – 2015

МУНДАРИЖА

	Кириш	5
I боб	Ижтимоий соҳанинг роли, моҳияти ва мамлакатни модернизациялаш шароитида инвестицияларни жалб қилиш самарадорлигини ошириш йўналишларининг илмий ва назарий асослари	10
1.	Ижтимоий соҳанинг роли ва уни ривожлантиришдаги асосий вазифалари.....	10
2.	Ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг назарий - услубий асослари ва ривожланиш таҳлили.....	16
3.	Инвестицияларнинг мазмуни ва мамлакатни модернизациялаш шароитида инвестицион сиёсатни амалга оширилишини давлат томонидан тартибга солиш.....	26
	I боб бўйича хулоса	37
II боб	Қашқадарё вилоятида ижтимоий соҳа тармоқларига инвестицияларни жалб қилишнинг ҳозирги ҳолати	38
1.	Вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий тавсифи, унинг ҳолати ва инвестицияларни молиялаштириш таҳлили.....	38
2.	Вилоят иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилишнинг хусусиятлари ва имкониятлари.....	49
3.	Вилоят ижтимоий соҳа тармоқларини модернизациялашда инвестициялар жалб қилишнинг шарт-шароитлари ва фойдаланиш самарадорлигининг таҳлили.....	56
	II боб бўйича хулоса	68
III боб	Қашқадарё вилоятида ижтимоий соҳа тармоқларига инвестицияларни жалб қилиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари	69
1.	Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришда инвестициявий жозибadorликни оширишнинг ижтимоий соҳа тармоқларига таъсирини кенгайтириш йўллари.....	69
2.	Ҳудудларда инвестиция жозибadorлигини ошириш ва уларни баҳолаш услубиётини такомиллаштиришнинг аҳамияти.....	75
3.	Ижтимоий соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг асосий тамойиллари ва ички манбалардан фойдаланишни кенгайтиришнинг тутган ўрни.....	81
	III боб бўйича хулоса	98
	Хулоса	100
	Фойдаланилган адабиётлар	104
	Илова	110

КИРИШ

Мавзунинг асосланиши ва унинг долзарблиги. Бозор муносабатларининг қарор топиши шароитида турли мулк шаклидаги хўжалик субъектларининг юқори иқтисодий самарадорликка эришишга интилиши йўлидаги фаолиятлари талаб ва таклиф, қиймат қонунлари тамойиллари асосида бошқарилиб, бу ҳолат бозорда истеъмолчилар ва ишлаб чиқариш хўжалик субъектлари тўла иқтисодий эркинликка эга бўлишларини тақозо этади. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларидан бири инвестиция сиёсатини тўғри ташкил қилиш ва йўналишларни аниқ белгилашдан иборатдир. Биринчи галда хорижий инвестицияларни жалб этиш айниқса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка ҳамда етакчи тармоқларга қаратилиши лозим. Чет эл сармояси иштирокида иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизациялаш, кичик бизнес ва хусусий корхоналарни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш асосида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин. Буларнинг барчаси мамлакатимиз иқтисодиётига ички инвестицион манбалар ва хорижий сармояларни жалб этиш муаммоларини илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш ва уларни ҳал этиш чораларини ишлаб чиқиш ҳамда асосий йўналишларни белгилашдан иборатдир.

Ҳозирги босқичда Ўзбекистондаги энг муҳим вазифа - иқтисодий барқарорлаштириш сиёсатини иқтисодий ўсиш сиёсати билан боғлаш бўлиб, бу ҳол инвестиция фаолиятини кучайтиришни талаб қилади. Ушбу масалани ҳал қилиниши молиявий-иқтисодий қийинчиликларни енгишга, мамлакат иқтисодиётининг кенг кўламда таркибий қайта қуришга, бирламчи бошқариш тузилмаларида қулай ишлаб чиқариш муҳитини яратиш муаммосини ҳал қилишга, аҳоли турмуш даражасини оширишни таъминлашга имкон беради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек: “Жадал ва мутаносиб иқтисодий ўсиш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва иқтисодиётни диверсификация қилишда фаол ва аниқ йўналтирилган инвестиция сиёсати юритиш энг муҳим омил ҳисобланади.

2014 йилда иқтисодиётимизга жалб қилинган инвестициялар ҳажми 10,9 фоизга ўсди ва АҚШ доллари ҳисобида 14 миллиард 600 миллион долларни ташкил этди. Бунда жами капитал қўйилмаларнинг 21,2 фоиздан ортиғи ёки 3 миллиард доллардан зиёдини хорижий инвестиция ва кредитлар ташкил қилди. Уларнинг тўртдан уч қисми тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Инвестиция дастурини амалга оширишда корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан йўналтирилган тўғридан-тўғри хусусий инвестицияларнинг йилдан-йилга фаол иштирок этаётгани барчамизга алоҳида мамнуният бағишлайди. Биргина ўтган йилда бундай инвестициялар ҳажми 10,3 фоизга ўсиб, 4 миллиард 300 миллион долларни ёки жами инвестициялар ҳажмининг қарийб 30 фоизини ташкил этди”¹

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Диссертация ишининг мақсади ижтимоий соҳа тармоқларига инвестицияларни жалб қилиш самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни бажариш лозим:

- ижтимоий соҳа тармоқларининг ташкилий-иқтисодий тузилиши ва бошқа соҳалар билан муносабатларининг мазмунини ҳамда вужудга келиш шарт-шароитларини аниқлаштириш;

¹ И.А.Каримов. “2015-йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир”. // “Халқ сўзи” 17.01.2015

- ижтимоий соҳа тармоқлари ва инвесторлар ўртасидаги ўзаро ташкилий-иқтисодий муносабатларнинг моҳиятини ёритиш;

- мамлакатни модернизациялаш шароитида ижтимоий соҳада олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасида соҳани ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш;

- ижтимоий соҳа объектларида инвестициялардан фойдаланиш самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

- ижтимоий соҳа тармоқларига инвестицияларни жалб этиш самарадорлигини оширишга доир хориж тажрибасини ўрганиш ва Ўзбекистон шароитида уларни жорий этиш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

- ижтимоий соҳа тармоқларига инвестицияларни жалб этишни такомиллаштириш бўйича башоратлашни амалга оширишга доир илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Магистрлик диссертация ишининг объекти Қашқадарё вилоят иқтисодиётига ички молиявий маблағлари ва чет эл инвестицияларини жалб этиш ҳисобланади. Предмети эса Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида инвестиция сиёсатини ва асосий йўналишлари муаммолари ҳисобланади.

Илмий янгилиги. Магистрлик диссертация ишининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат.

- молиялаштиришнинг ички манбаларини шакллантириш ҳамда ривожлантириш учун корхона ва ташкилотларнинг молиявий ҳолатини барқарорлаштириш, техник-технологик салоҳиятини ошириш учун уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора тадбирларини ишлаб чиқиш;

- хорижий кредитлар ва кўпроқ бевосита хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш учун хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ва эркинликларини таъминлашни такомиллаштириш ҳамда мамлакатда пул кредит сиёсати бўйича амалга оширилаётган ишларни самарали тарзда яқунлашга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

-тижорат банклари томонидан хўжалик юритувчи субъектларни кредитлашни ривожлантириш учун ушбу соҳага хизмат қилувчи бирликларни ҳамда инфратузилма минимумлари фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш;

-инвестиция лойиҳаларини хорижий банклари кредит линиялари орқали молиялаштиришни ривожлантириш мақсадида улар билан кўп томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш, уларда Ўзбекистонга бўлган қизиқиш ва ишончларини янада ошириш бўйича таклифлар ва тавсиялар беришдан иборат.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Мамлакатни модернизациялаш шароитида ижтимоий соҳа тармоқларига инвестицияларни жалб қилиш самарадорлигини ошириш йўллари мавзусини Қашқадарё вилояти Иқтисодиёт Бош бошқармаси маълумотлари асосида ёритиш жараёнида ижтимоий соҳа тармоқларига инвестицияларни жалб йўллари аниқлашдан иборат. Бунда ижтимоий соҳа тармоқларида инвестиция жозибадорлигини аниқлаш, моддий техника базасини мустаҳкамлаш, ички ва ташқи манбалардан фойдаланишни кенгайтириш каби масалалар натижаларини ижтимоий соҳа тармоқларида қўллашга ва самарадорлигини оширишга қаратилган.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи. Инвестиция ва уни иқтисодий ўсишга таъсири муаммолари доимо иқтисодчи олимларнинг диққат марказида туради. Бу муаммолар Ж.Р.Хикс, А.Маршалл, П.Самуэльсон, Л.Абалкин, Л.Григорьев, Г.Найденов, Ю.Плужевский, Р.Энгов ва бошқа олимларнинг асарларида ўз аксини топган.

Мамлакатимиз олимларидан инвестиция жараёнлари ва уни иқтисодий ўсишга таъсири муаммосининг турли жиҳатлари Юлдашев Ш.Г., Исмоилов К.К., Муҳиддинов Р.М., Махмудов Э.Х., Абдуғаниев А.А., Исоқов М.Ю., Нодирхонов У.С., ғуломов С.С., Ғозибеков Д., Расулов Н.Н., Турдиев А., Юсупова Н.М., ва бошқа бир қанча олимларнинг ишларида ёритилган.

Бироқ, ушбу кенг қамровли муаммонинг кўпгина масалалари ҳали чуқур ўрганилмаган бўлиб, ўз ечимини кутмоқда. Ҳозирги шароитида инвестиция соҳасида давлат иштирокининг асосий шакллари ҳали тўла-тўқис асослаб берилмаган. Инвестиция соҳасида фаолликни кучайтиришнинг тамойиллари, уни иқтисодий ўсишдаги самарадорлигини ошириш, тармоқ ва минтақавий устувор йўналишлари етарли даражада ўрганилмаган. Юқорида баён этилган фикр-мулоҳазалар тадқиқотининг мақсади ва вазифаларини белгилаб берди.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари ва бозор иқтисодиёти шароитида хорижий сармояларни жалб этишни такомиллаштиришга оид назариялар ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунлари мазкур мавзунини тадбиқ этишда асосий услубий база бўлиб хизмат қилади. Мазкур тадқиқотда ушбу муаммолар бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонунлари меъёрий ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси статистика давлат қўмитаси ва Қашқадарё вилоят Иқтисодиёт бош бошқармасининг маълумотларидан фойдаландик.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, ишда ишлаб чиқилган ғоя ва таклифлар инвестиция фаолиятини амалда қўллаш, унинг назарий ва амалий муаммоларини ўрганиш асосида инвестицияларни фаолияти ва ривожланишини бозор тамойилларига таянган ҳолда ишлаб чиқиш уни самарали бошқариш йўллари аниқлаш ва ундан мақсадли фойдаланиш имконини беради. Ундан ташқари, унинг асосий натижаларидан давлат бошқарув органларига ички маблағлари ва чет эл инвестицияларини жалб этишда фойдаланиш мумкин.

Иш тузилмасининг тавсифи. Кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

**I боб. Ижтимоий соҳанинг роли, моҳияти ва мамлакатни
модернизациялаш шароитида инвестицияларни жалб қилиш
самарадорлигини ошириш йўналишларининг илмий ва назарий
асослари**

**1. Ижтимоий соҳанинг роли ва уни ривожлантиришдаги асосий
вазифалари**

Бизнинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимиз республиканинг ўзига хос турмуш шарт-шароитлари ва хусусиятларини, халқ анъаналари ва урф-одатларини ҳар томонлама ҳисобга олишга асосланган. Айни пайтда, бизнинг йўл-жаҳон амалиётида тўпланган, иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатлар орттирган ижобий тажрибаларни ҳам ҳисобга олади.

Ўзбекистон танлаб олган йўл - республика ва унинг халқи манфаатларига мос келадиган, ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган иқтисодиётдир. Бозор муносабатларига ўтиш инсоннинг ижодий ва меҳнат салоҳиятини намоён қилишдаги, боқимандаликни бартараф этишга, ёқолиб кетган эгаллик туйғусини қайта тиклашга имкон беради. Фақат бозоргина маҳсулот ишлаб чиқарувчининг ҳукмини бартараф этиб, республиканинг ғоят катта бойликларидан самарали фойдаланишни таъминлай олади.

Ижтимоий соҳага маориф, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, маданият ва санъат, уй-жой коммунал хўжалиги, аҳолига майиший хизмат кўрсатиш, чакана савдо ва умумий овқатланиш, жисмоний тарбия ва спорт ва бошқа тармоқлар киради.

Бозор иқтисодиётига ўтиш биринчи навбатда ҳаётимизда, иқтисодиётимизда барқарорликка эришишга чамбарчас боғланган. Шунинг учун ҳам иқтисодиётимизнинг молиявий аҳволини барқарорлаштириш иқтисодий ислохотларимизни амалга оширишнинг муҳим шартидир. Иқтисодиёт барқарор ишлагандагина бозор муносабатларига

мувоффақиятли ўтиш мумкин. Иқтисодийни барқарорлаштириш - бозорни шакллантириш ёълидаги қонуний ва муқаррар босқичдир. Биз иқтисодийни барқарорлаштира бориб, бозор муносабатларини нормал ривожлантириш учун шарт-шароитларни вужудга келтирамиз. Ислохотлар барқарорликнинг ғоят муҳим шarti бўлмиш - аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, ҳақиқатдан ҳам асосий, узлуксиз, устувор йўналиш ҳисобланади. Бозор ислохотларининг ҳамма босқичларида олдиндан ўтказиладиган кучли ижтимоий сиёсат Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлининг етакчи принципларидан биридир.

Бозор иқтисодийтини барпо этиш шунчаки бир мақсад эмас. Барча иқтисодий, демократик, сиёсий ислохотларнинг пировард мақсадлари бу энг аввало инсон учун муносиб турмуш ва фаолият шароитларини яратишдир. Шундай қилиб биз комил ишонч билан айта оламизки мустақиллик йиллари мобайнида биз янги жамият асосларини яратишга ўзгаришлар муқарарлигининг негизини таъминлашга муваффақ бўлдик.

Ижтимоий соҳани асосий мақсади бўлиб, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш ҳисобланади.

Ижтимоий сиёсат деганда муайян давлат ҳокимиятининг ушбу соҳа бўйича ўз олдиға қўйган вазифаларини ва мақсадларини амалға ошириш билан боғлиқ ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий таъминот сиёсат тури тушунилади. Бу сиёсат бевосита аҳолининг турмуш даражасини ошириш билан боғлиқ сиёсат бўлиб унга:

- даромад сиёсати;
- ижтимоий таъминот ва меҳнат бозорини шакллантириш;
- аҳолиға ижтимоий хизматларни кўрсатиш сифатини яхшилаш каби ижтимоий ёъналтирилган сиёсат турлари киради.

Ижтимоий сиёсатнинг объекти бўлиб ижтимоий соҳа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси мустақиликка эришгандан кейинги дастлабки кундаёқ ижтимоий масалаларни қамраб олувчи бозор иқтисодийтини қуришни мақсад қилиб олди.

Ўзбекистонда кучли ижтимоий сиёсат ўтказилиши давр тақозоси эди, десак хато бўлмайди. Чунки:

- Собиқ иттифокнинг қатор республикаларидан фарқли ўлароқ, Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни ижтимоий шароити огир, турмуш даражаси кўрсаткичлари паст бўлган бир вақтда бошлашига тўғри келди:

- Республикада аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал пул даромадлари, ўртача иш ҳақи энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш ва ноозиқ овқат товарлари ҳамда хизматлар билан таъминланганлик даражаси жиҳатдан охириги ўринларда эди;

- 1990 йилда аҳоли жон бошига тўғри келадиган пул даромадлари, аҳолига товарларни реализация қилиш ва хизматлар кўрсатиш ҳажми бўйича республика кўрсаткичлари Собиқ иттифок кўрсаткичларининг 55-60 фоизидан ошмас эди;

- Аҳолининг катта қисми, айниқса қишлоқ аҳолиси жамиятда расман эълон қилинган қашшоқликда яшарди. Расмий статистика маълумотларига кўра, 1989 йилда жон бошига ҳисобланганда республикалардаги оилаларнинг (республикадаги) 44 фоизининг пул даромади расмий белгиланган энг кам иш ҳақидан ҳам оз бўлган;

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Ўзбекистонда кучли ижтимоий сиёсат олиб борилиши лозим, лекин қандай қилиб? Бу ерда энг муҳим ва замонавий муаммолардан бири масаланинг жавобини ташкил қилади. Яъни, энг аввало кам таъминланган табақага ёрдам бериш ҳақида давлат самарали сиёсатни ишлаб чиқиши лозим ва бунга боғлиқ ҳолда кам таъминланганлик ва камбағаллик тушунчаларини таърифлаб бериш шарт деб ўйлаймиз.

Ҳар бир давлатнинг кам таъминланганлигини белгилашнинг, яъни ҳисоблаб аниқлашнинг ўзига хос услуби мавжуддир. Масалан: АҚШ, Англия, Германия, Португалия каби давлатларда яшаш минимуми 40 фоиздан 60 фоизгача бўлган. Польша ва Венгрияда эса минимал пенсия

миқдори, Болгарияда эса минимал иш ҳақи миқдори ёки суммаси кам таъминланганликни аниқлашда қўлланиладиган воситалардир.

Республикамизда ҳам аҳоли мухтожлик даражасига қараб фарқли гуруҳларга ажратилган: жуда мухтожлар; мухтожлар; кам мулкчилар ва кам таъминланганлар.

Аҳолига хизмат кўрсатадиган ижтимоий соҳа-бу миллий иқтисодиётнинг ҳар хил тармоқларининг йиғиндисидир. Бунинг асосий функцияси, аҳоли учун керак бўлган хизматларни яратишдир. Ижтимоий соҳа тармоқларига қуйдагилар киради: чакана савдо, маориф, тиббиёт, уй-жой коммунал хўжалиги, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоғи, жисмоний тарбия ва спорт, маданият ва санъат, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий таминот ва бошқалар.

Юқорида кўрсатилган соҳалар аҳолининг қандайдир эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган тармоқлардир. Хизматларнинг ҳаммасини иккита йирик гуруҳга бўлиш мумкин:

- 1) Моддий хизматлар;
- 2) Ижтимоий ва маънавий хизматлар.

Моддий хизматлар ишлаб чиқариш тармоқларида яратилган маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб бериш билан, уларни сақлаш билан боғлиқ бўлган хизматлар. Масалан, савдо хизматлари, аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг айрим турлари.

Ижтимоий ва маънавий хизматларга соғлиқни сақлаш, таълим, фан, маданият муассасаларининг хизматлари, жисмоний тарбия ва спорт, адабиёт, театр, кино, музейлар ва бошқа тармоқларнинг хизматлари ва бошқалар киради.

Етказиб бериш усули бўйича хизматлар икки гуруҳга бўлинади:

- 1) Пулли хизматлар;
- 2) Бепул хизматлар.

Пулли хизматларга уй-жой коммунал хўжалик хизматлари, аҳолига маиший хизматлар кўрсатиш тармоқлари, савдо хизматлар ва ҳоказолар

киради. Ўзбекистон табиий ва хомаше ресурсларига бой. Буларнинг ҳаммаси-ер, сув, ўрмон ва ер ости бойликлари-республиканинг ажралмас мулки бўлиши керак.

Сўнгги йилларда республикада кичик бизнес, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида ҳукумат томонидан амалга оширилаётган изчил тадбирлар, хизмат соҳасидаги алоҳида олинган тармоқларини ривожлантириш бўйича қабул қилинаётган қатор дастурий йўналишлар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, шунингдек маиший хизмат кўрсатиш соҳасининг юқори суръатлар билан ривожланишига олиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 майдаги “Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини 2006-2010 йилларда ривожлантириш ҳақида”ги ПК-325-сонли, 2007 йил 21 майдаги “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилга қадар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қушимча чора-тадбирлар ҳақида”ги ПК-640-сонли қарорлари бунга яққол мисол бўла олади. Хусусан, республикамизда 2010 йилга қадар хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қушимча чора-тадбирлар ҳақидаги қарорда қуйидаги асосий йўналишлар белгилаб берилган:

- хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорликнинг фаолиятини янада кучайтириш учун қулай шарт-шароит яратиш;
- 2010 йилгача хизматлар ҳажмининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 49 фоизга етказиш;
- қишлоқ жойларда истикомат қилаётган аҳолига кўрсатилаётган хизматлар турларини кўпайтириб бориш;
- анъанавий хизмат турлари билан биргаликда янги истикболли - Юридик, консалтинг, банк, молия, суғурта, лизинг ва баҳолаш хизмат турларини жадал ривожлантириш;

➤ мамлакатимиз корхоналарининг ҳалқаро бозордаги хизматлари даражасини ва сифатини ошириш ҳамда шу асосда хизматлар экспортини кўпайтириш;

➤ хизматлар ва сервис соҳасида ишлайдиган кадрларни тайёрлаш ва улар малакасини оширишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.

Қарорларда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши натижасида 2008 йилда аҳолига кўрсатилган умумий хизматлар ҳажми 121,3 фоизга ўсиб, 20082,7 млрд. сўмни ташкил этди.

Хизматларнинг замонавий, илғор турлари - телекоммуникация хизматлари, уяли телефон алоқаси, молия-банк хизматлари, лизинг тартибдаги кредитлар ажратиш, суғурта, сайёҳлик-экскурсия ва бошқа замонавий хизмат турлари жадал суръатда ривожланмоқда. 2008 йилда хизмат кўрсатиш соҳасида 215 мингдан кўп янги иш ўринлари, 2103 та савдо ва 5138 та маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари ташкил этилди.

Республикада 2008 йил якуни бўйича аҳоли жон бошига 738,5 минг сўмлик хизматлар кўрсатилган, шу жумладан транспорт хизматлари -243,8 минг сум, савдо ва умумий овқатланиш хизмати - 128,8 минг сум, коммунал хизматлар 113,4 минг сўмни ташкил этди. Маиший хизмат кўрсатиш жами ҳажми 2007 йилга нисбатан 132,8% га ўсди.

Аҳолига кўрсатилаётган маиший хизматлар таркибида замонавий хизмат турлари устувор равишда ривожланмоқда. Маиший хизматларнинг умумий ҳажмида енгил автомобилларни таъмирлаш ва техникавий созлигини аниқлаш хизмати улуши 14,1% ни, мураккаб турдаги техникавий жихозларни таъмирлаш 10,6% ни, яқка тартибдаги уй-жойларни қуриш, уларни ва кўп қаватли турар жойларни таъмирлаш хизматлари 12% ни, аҳоли Юкларини ташиш транспорт хизмати 12,4% ни, сартарошхона хизматлари 5,6% ни ташкил этади.

Шу билан бирга, айни пайтда мазкур тармоқни ривожлантиришда мавжуд имкониятларидан ҳали тўлиқ фойдаланилмаётганлигини таъкидлаш лозим.

Шу сабабли инқирозга қарши чоралар дастурида ушбу тармоқларини янада ривожлантириш вазифасида алоҳида тўхталиб ўтдилар: “Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аҳолини тоза ичимлик суви, электр энергия билан таъминлаш, ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш, пировард натижада аҳолининг турмуш даражасини оширишга хизмат қилади”.²

Худудлар ёнма-ён бир хил шароитда жойлашганликларига қарамай, уларда кўрсатилаётган хизматлар бир-бирларидан катта фарқ қиладилар. Агар Тошкент шаҳрида ҳар бир кишига 2762,3 минг сўмлик, Навоий вилоятида 963,1 минг сўмлик, Тошкент вилоятида 848,8 минг сўмлик хизматлар кўрсатилган бўлса, бу кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикасида - 204,5 минг сўмни, Сурхондарё вилоятида - 290,1 минг сўмни, Жиззах вилоятида 312,2 минг сўмни ташкил этди. Қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш тизими ҳам ҳозирги вақтда ўсиб бораётган талабларга жавоб бермаяпти.

2008 йилда жами хизматлар ҳажмининг 26,8 фоизи қишлоқ аҳолисига тўғри келди бу ҳар бир қишлоқ аҳолисига кўрсатилган хизматлар ҳажми шаҳарликларга нисбатан 5,1 маротаба кам бўлди.

Аҳоли турмуш даражасини ошириш ва фаровонлигини юксалтиришда ижтимоий инфратузилма хизматларининг роли беқиёсдир. Шунга кўра, мамлакатимизда ушбу соҳани ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Кейинги йилларда республикаимизда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш борасида аҳамиятли Ютуқ ва муваффақиятларга эришилмоқда.

2. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг назарий - услубий асослари ва ривожланиш таҳлили

Аҳолининг турмуш даражасини белгилаш учун биринчи навбатда аҳолининг жон бошига тўғри келадиган пул даромадларини аниқлаш

² И.А.Каримов “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”. Т.: “Ўзбекистон” 2009 йил.

мақсадга мувофиқдир. Мамлакатимизда статистика маълумотлари бўйича аҳолининг ҳақиқий даромадлари ўсди, тадбиркорлик, шахсий ёрдамчи хўжалик ва хусусий мулкдан келадиган даромадлар улуши ўсиши давом этмоқда. Мустақиллик йилларида ЯИМ нинг ўсиш суръатлари ва инфляция даражаси тўғрисидаги маълумотлар билан 2.1- жадвал орқали танишиб чиқамиз.

2.1-жадвал

Мустақиллик йилларида ЯИМ нинг ўсиш суръатлари
ва инфляция даражаси тўғрисида маълумот

Йиллар	ЯИМнинг ўсиши, %	Инфляция даражаси, %	Бюджет профицити, %
1996	1,7	64,4	-
1997	5,2	-	-
1998	4,4	-	-
1999	4,4	-	-
2000	4,0	36,2	-
2001	4,2	14,6	-
2002	4,2	21,6	-
2003	4,4	10,8	-
2004	7,7	7,1	-
2005	7,0	7,8	0,1
2006	7,3	6,8	0,5
2007	9,5	6,8	1,1
2008	9,0	7,8	1,5
2009	8,1	7,4	0,2
2010	8,5	7,3	0,3
2011	8,3	7,4	0,4
2012	8,3	7,0	0,4
2013	8,0	6,8	0,3
2014	8,1	6,1	0,2

Манба: Ушбу жадвал муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мамлакатимизда 1996 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 1,7 фоизни ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич йилдан-йилга ошган бўлиб, 2007 йилда 9,5 фоизга ошган. Лекин жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг рўй бериши натижасида ялпи ички маҳсулот ўсишининг камайиши кузатилган. 2014 йилнинг якунига кўра, 8,1 фоизга ошган. Инфляция даражаси эса 2012 йилдан буён 6-7 фоиз прогноз кўрсаткичга тенг бўлиб, 2014 йилда 6,1 фоизни ташкил

килган. Давлат бюджети харажатларининг профицити эса 0,2 фоизга тенг бўлганлигини кўрамиз.

ЯИМ ўсишининг тармоқлараро таркибида энг йирик улуш қишлоқ хўжалиги, саноат ва хизматлар соҳаларига тўғри келади. Шу билан бирга, саноат ва хизматлар соҳасининг улуши ўсиш тенденциясига эга бўлса, қишлоқ хўжалиги улуши камайиш тенденцияларига эга.

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг ўсишидаги асосий омил туғилиш ҳисобланади. Янги туғилганларнинг учдан икки қисмидан кўпроғи, яъни 69% қишлоқ жойларига тўғри келади, шаҳарларда туғилганларнинг сони 31% даражасида сақланиб қолди. Аҳолининг таркибида 2014 йил 1 январь ҳолатига кўра аёллар ва эркекларнинг сони бир хилда бўлди. Меҳнатга яроқли ёшдан кичик бўлган аҳоли, яъни 16 ёшгача сонининг юқори улуши сақланиб қолмоқда.

Хизмат ва сервис бозори ривожланишининг динамикаси 2014 йилда аҳоли даромадининг ўсиши, шунингдек, хизмат ва сервис соҳаларини ривожлантириш дастурини амалга ошириш ҳисобига шаклланди. Натижада бозор хизматлари ҳажми 2014 йилда 126,5 фоизга ортди. Хизматнинг умумий ҳажмлари ўсишининг юқори суръатлари барча ҳудудлар томонидан таъминланди.

2014 йилда дастур бажарилишининг натижалари:

- ЯИМ хизмат ва сервис улушининг 42,5 фоизгача ортиши;
- замонавий ахборот ва ахборотлаштириш, транспорт, молия хизматлари, пулли тиббий хизмат кўрсатиш ва таълим хизмати, маданий, спорт, болалар соғломлаштириш муассасалари хизмати, қишлоқ хўжалигида тадбиркорлик фаолияти бўйича хизматга бўлган талабни ошириш, симсиз телефон алоқаси, уяли алоқа абонентлари, таксофон алоқа, интернет тармоғи тизимига жамоа бўлиб фойдаланиш пунктлари, эфир-кабель телевиденияси борасида юқори ўсиш қўлга киритилди ҳамда тақдим қилинаётган хизматлар сифати яхшиланди, тармоқнинг

инвестицион кўлами ошди ва истеъмолга доир хизмат кўрсатиш бўйича инфраструктурани ривожлантиришга эришилди.

Давлат бюджетидан молиялаштириладиган тармоқлардан соғлиқни сақлаш, таълим, фан ва маданиятда иш ҳақи бутун республика бўйича пастлигича қолмоқда.

Давлат бюджети харажатлари таркибида марказлаштирилган инвестициялар улушининг камайиши динамикаси сақланиб қолинди. Шу билан бирга таъкидлаш керакки, 2014 йил Инвестиция дастурида кўзда тутилган бир қатор объектлар, яъни профессионал коллежлар, академик лицейлар, қишлоқ даволаш пунктлари, қишлоқ аҳоли уй - жойларини сув билан таъминлаш каби объектлар ишга туширилди. Бу тенденцияга, шунингдек, харажатлар умумий миқдорида, бюджет соҳаси ишчилари сонининг 1,5 маротаба ошиши ҳисобига меҳнат ҳақи улуши қисмини ошишига сабаб бўлди.

Албатта, ҳар қандай давлат учун иқтисодий ўсиш, унинг келгуси ижтимоий, иқтисодий барқарорлигини ифодалайди. Ҳукумат томонидан ўтказилган чора-тадбирлар натижасида иқтисодий ривожланишда ижобий тенденциялар мустаҳкамланди. 2014 йил давомида ЯИМнинг барқарор ўсиш суръатлари таъминланди ва улар 9 фоизли чегарадан биров камайиб, 2014 йилга нисбатан 8,1% ни ташкил этди.

ЯИМнинг ўсиш суръатлари бўйича Ўзбекистон (108,1%) МДХ давлатлари ичида Озарбайжон (125%), Арманистон (113,7%), Грузия (112,7%) дан сўнг тўртинчи ўринни эгаллади ва Россия (108,1%), Қозоғистон (108,2%) ва Украинадан (107,3%) илгарилаб кетди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш суръатлари бўйича Ўзбекистон (112,2%) Озарбайжон (124%) дан кейин иккинчи ўринни эгаллади. ЯИМ нинг ўсиш суръатлари аҳоли ўсиш суръатларига нисбатан юқори бўлди.

Даромад ва харажатлар таркиби. Таҳлил қилинаётган давр мобайнида аҳолининг даромадлари таркибида ўзгаришлар рўй берди (2.1-чизма). Аҳолининг тадбиркорлик даромади ўсиши бандликнинг тармоқ

ҳамда мақсадли дастурининг амалга оширилиши, шу жумладан хизмат кўрсатиш ва сервиснинг ривожланиши туфайли юзага келди.

2.1-чизма

Аҳолининг пул даромадлари таркиби, аҳоли пул даромади ва харажатлари асосида, (%) ҳисобида



Манба: Ўзбекистон Республикаси Даалат статистика қўмитаси маълумотлари


2014 йил якунларига кўра ҳудудлараро аҳоли даромадлари орасида 1:5,6 дан 1:5,8 га тафовут коэффициентининг кўтарилиши кузатилди. Индустриал ҳудудларнинг даромадлари, Навоий вилояти ҳамда Тошкент шаҳри бўйича аҳоли жон бошига республика бўйича ўртача пул даромадлари шаклланиши кўрсаткичига катта таъсир кўрсатади Андижон, Самарқанд, Фарғона ҳамда Тошкент вилоятларида пул даромадлари улуши республика умумий пул даромадларининг 32,4 фоизни ташкил қилди. Аҳоли жон бошига паст даромадлар икки ҳудудда кузатилди, яъни Қорақалпоғистон Республикасида 30,5 минг сўм ҳамда Жиззах вилоятида 31,4 минг сўмга тўғри келган. Аҳолининг пул даромади улуши республика ялпи ички маҳсулотида 59,7 фоизни ташкил қилди.

Аҳоли пул харажатлари таркибида истеъмол харажатлари улуши ортиб, 73,5 фоизга етди. Бу аввало, хизмат тўловларининг 39,1 фоизга ортиши билан боғлиқ. Жамғармалар улуши, яъни пул қўйиш, шу

жумладан, валюта хариди, 18,0 фоизни, ўсиш суръатлари - 35,7 фоизни ташкил қилди. 2014 йилда аҳоли жон бошига республика бўйича ўртача харажат ва пул жамғармалари 30,7 фоизга ортди ҳамда 51,4 минг сўмни ташкил қилди (2.1-чизма).

2.1-диаграмма

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган пул даромадлари



Ушбу диаграмма маълумотларидан кўриниб турибдики, аҳоли даромадлари йилдан-йилга ошган.

Умуман олганда, ҳар қандай системада ҳар қандай давлат ўзининг олдига бир нарсани мақсад қилиб олади, у ҳам бўлса “Яшаш савияси”дир. Агарда бу тушунчани адолатли бир шаклда баҳолайдиган бўлсак, у ҳолда камбағал одамлар бўлмаслиги керак, ҳамма одамлар ҳар томонлама таъминланган ва тенг ҳуқуқлилиқ шартларида яшаши керак.

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳимоя тизими қуйидаги масалаларни ечиш билан боғлиқдир: саноатда ривожлантиришни барқарорлаштириш ва юксалтириш; турли манбалардан пул маблағларини кичик бизнесни ривожлантириш учун саноат секторига жалб этиш; даромадлар ва турмуш савиясидаги фарқликларни камайтириш;

камбағалликка қарши кураш. Бу борада яна бир хусусият борки бу бозор инфратузилмасини шакиллантириш, банк, молия ва суғурта тизимларини қайта шакллантириш, билимдон ва замонавий фикрлайдиган мутахассисларни тарбиялаш бўйича ҳали жуда кўп ишлар қилиниши керак. Республикада ҳукукий база барпо қилинган, лекин унга амал қилиш жуда суст бормоқда. Шахсий ташаббусда тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳам тўсиқлар кўп. Ўрта ва хусусий тадбиркорлик ҳам янада жиддийроқ кўллаб-қуватлашга мухтождир.

Кўпгина раҳбар ходимлар ҳамда ўрта бўғин ходимлар онгида мустаҳкам ўрнашиб қолган маъмурий буйруқбозлик тизимининг қолдиқлари ҳамон мустаҳкам. Афсуски, бу ходимларнинг кўпчилиги юз бераётган ўзгаришларни ғоят заиф идрок этмоқдалар. Улар бу ўзгаришларнинг моҳиятини тўлалигича англаб етишмаяптилар ва шу сабабли ислохотлар йўлида тўсиқ бўлмоқдалар.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Бор саъй-ҳаракатимиз, амалий ишларимиз билан одамларни ишонтиришимиз керакки, ислохотлар даврида фақат уларнинг ўзлари фаол иштирок этган тақдирдагина белгиланган мақсадларга етиш учун жамиятнинг ҳар бир аъзоси жонини жабборга бериб тер тўккан тақдирдагина, ислохотларни олға силжитиш, чуқурлаштириш мумкин”³.

Республикамизда ислохотларнинг дастлабки босқичидан мулкни давлат тасарруфидан чиқариш чоғида аҳолига ижтимоий кафолотлар яратиб қўйилди. Фуқароларнинг мулкдан улуш олишида тенглик тамойилларига, шунингдек хусусийлаштирилаётган корхона меҳнат жамоаси аъзоларининг ижтимоий ҳимоя қилинишига қатъий риоя этилди.

Имтиёзларнинг бугун бир тизимли ишлаб уларга ёрдам бериш хусусийлаштиргандан кейин уларга ёрдам бериш мақсадида солиқ соҳасида ҳам имтиёзларнинг айрим турлари белгиланди. Бошқача қилиб

³ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари –Т., Ўзбекистон., 1998, 42-б

айтганда, ижтимоий кафолотлар тизими хусусийлаштириш жараёнини амалга ошириш учун ҳам имкони борица кўпроқ қулай шароит яратиш лозим.

Ижтимоий соҳани ривожлантиришга, аҳолининг ижтимоий ҳимоялашни чораларини таъминлашга давлат бюджетидан ҳар йили барча бюджет маблағларининг қарийб ярмиси ажратилмоқда.

Шу ҳисобдан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда, давлатдан ёрдам олишга муҳтож бўлган оилаларга алоҳида эътибор берилди. Кам таъминланган оилаларга нафақалар тўланмоқда. Тошкентда ногиронларнинг соғлиғини тиклаш Республика маркази ташкил этилди. Нарх-навога эрк берилиши ва инфляция даражаси муносабати билан ижтимоий муҳофаза чора-тартиблари тизимларида даромадларни мунтазам ошиб бориши энг муҳим йўналишларидан биридир. Ўзбекистонда даромадларни индексциялаш жараёни иш ҳақининг энг оз миқдорини, пенсиялар, стипендияларни, аҳолининг жамғарма банкларидаги омонатлари бўйича ставкаларни бир йўла марказлаштирилган тарзда қайта кўриб чиқиш йўли билан амалга оширилмоқда. Аҳолининг ночор табақаларини - пенсионерлар, ишсизлар, ўқувчи ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлаш соҳасида кучли чора-тадбирлар ўтказилиши фаол ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг ғоят муҳим йўналишидир.

Республикамизда ёлғиз пенсионерлар ва ногиронларнинг уйга бориб ижтимоий-маиший хизмат кўрсатадиган махсус ижтимоий ёрдам бўлимлари барпо этилган.

Бола туғилганда ижтимоий ёрдам бериш тизими ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг масхус Фармони билан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам жорий этилган.

Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий мустақилликка эришиш, миллий давлатчилигимизни барпо этиш, бунинг учун мустаҳкам моддий

негиз яратиш манфаатларини кўзлаб қуйидагилар миллий иқтисодиётни ислоҳ устуворлари қилиб белгиланди:

- Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантириш, қудратли ва тинимсиз ривожланиб борадиган миллий бойликнинг ортишини, кишилар ҳаёти ва фаолияти учун зарур шарт-шароитларни таъминлайдиган иқтисодий тизимни барпо этиш;

- Корхоналар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинликлар бериш, уларнинг хўжалик фаолиятига давлатнинг бевосита аралашувидан воз кечиш, иқтисодиётни бошқаришнинг маъмурий буйруқбозлик усуллари бартараф этиш, иқтисодий омиллар ва рағбатлантириш воситаларидан кенг фойдаланиш;

- Иқтисодиётда моддий, тиббий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлайдиган чуқур таркибий ўзгаришлар қилиш, жаҳон иқтисодий тизимига қўшилиб бориш;

- Кишиларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш, уларнинг дунёқарашини ўзгартириш, ҳар бир кишига ўз меҳнатини сарфлаш ва шакллари мустақил белгилаш имконини беради ва бошқалар.

2000-2008 йилда Республика ҳукумати кўрган чора-тадбирлар иқтисодиёт тараққиётининг устувор йўналишларини амалга ошириш, халқ хўжалиги ва иқтисодиёт соҳаларини ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган дастурларни босқичма-босқич бажариш, шунингдек, аҳолининг турмуш-тарзи ҳамда даромадларини оширишга қаратилган.

Ижтимоий соҳани устувор ривожлантириш кадрлар тайёрлаш миллий дастури, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури, қишлоқ хўжалиги инфратузилмасини ривожлантириш дастури ва ҳукумат қарорларида белгиланган чора-тадбирлар доирасида ўтди.

Эҳтиёж - бу ижтимоий соҳа хизматларида пайдо бўладиган заруриятдир. Бу зарурият ижтимоий-иқтисодий шароитлар, фан-техника тараққиёти, иқлим, географик, тарихий ва миллий шароитлар асосида вужудга келади. Ҳар хил хизматларга ва истеъмол товарларга бўлган

эҳтиёжлар бир-бири билан боғлиқдир. Шу эҳтиёжларга таъсир этадиган энг асосий омил бўлиб моддий ишлаб-чиқаришни ривожланиш даражаси ҳисобланади. Лекин у ўз навбатида эҳтиёжлар ишлаб чиқаришга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Масалан, хизматларга бўлган эҳтиёжлар моддий ишлаб чиқаришда янги ишлаб чиқаришнинг пайдо бўлишига эски ишлаб чиқаришнинг кенгайишига таъсир кўрсатадилар. Ривожланган мамлакатларда бу муносабатларни давлат ўз томонидан тартибга солади ва режалаштиради. Ижтимоий соҳа тармоқларининг хизматларига бўлган эҳтиёжларни ва истеъмол маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни тўғри ва сифатли аниқлаш моддий ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун асосий шароитлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Бундан ташқари эҳтиёжларга аҳоли сони, унинг даромадлари, баҳолар даражаси катта таъсир этади.

Эҳтиёжларни қуйидаги гуруҳларга бўлишимиз мумкин:

- 1) Энг юқори даражадаги эҳтиёжлар;
- 2) Рационал даражадаги эҳтиёжлар;
- 3) Минимал даражадаги эҳтиёжлар.

Эҳтиёжларни шакли бўлиб талаб ҳисобланади. Ижтимоий хизматларга бўлган талаб икки гуруҳга бўлинади:

- 1) Пуллик хизматларга бўлган талаб;
- 2) Пулсиз хизматларга бўлган талаб.

Хизмат кўрсатиш соҳасида аҳолига озиқ-овқат маҳсулотлари дўконлар, супермаркетлар, умумий овқатланиш муассасалари орқали сотилади. Аҳолининг шахсий эҳтиёжига керакли барча моддий бойликлар ички савдо тармоқлари ёрдамида тақсимланади. Бозор иқтисодиёти ривожланиши билан транспорт ва алоқа хизматлари ошиб бормоқда, айниқса, ахборот-технология хизматлари ҳажми ортиб бормоқда. Пуллик хизматлар таълим соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда кўпаймоқда.

3. Инвестицияларнинг мазмуни ва мамлакатни модернизациялаш шароитида инвестицион сиёсатни амалга оширилишини давлат томонидан тартибга солиш

Инвестициялар – асосий ва айланма капитални қайта тиклаш ва кўпайтиришга, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришга қилинган сарфларнинг пул шаклидаги кўринишидир. У пул маблағлари, банк кредитлари, акция ва бошқа қимматли қоғозлар кўринишида амалга оширилади. Пул маблағлари кўринишидаги инвестиция **номинал инвестиция**, ана шу пул маблағларига сотиб олиш мумкин бўлган инвестицион ресурслар **реал инвестиция** дейилади.

Инвестицияларни рўёбга чиқариш бўйича амалий ҳаракатлар – инвестицион фаолият, инвестицияларни амалга оширувчи шахс – инвестор дейилади.

Инвестицияларнинг манбаларидан бири бўлиб аҳоли кенг қатламларининг жамғармалари ҳисобланади. Шунини таъкидлаш лозимки, амалда жамғарма эгаси ва инвестор бир шахсда намоён бўлиши ва бўлмаслиги ҳам мумкин. Одатда, жамғарма жамиятдаги кўпчилик субъектлар томонидан амалга оширилиб, улардан инвестиция сифатида фойдаланиш эса бутунлай бошқа субъектлар томонидан амалга оширилиши мумкин. Шунингдек, иқтисодиётда фаолият юритувчи саноат, қишлоқ хўжалик ва бошқа корхоналар жамғармаси ҳам инвестиция манбаи бўлиб ҳисобланади. Бу ўринда “жамғарувчи” ва “инвестор” бир субъектда мужассамлашади.

Ҳозирги даврда инвестициялар тушунчаси аксарият ҳолларда кенг маънода ишлатилмоқда. Иқтисод фанларининг турли тармоқларида, амалий фаолиятининг турли йуналишларида инвестицияларнинг мақсадлари, ҳаракатлар йўналиши, соҳалар хусусиятлари, сафарбар этилиш объектлари, ҳаракат йўналишларидан келиб чикиб ва аҳамиятига қараб “инвестициялар” тушунчаси ўзига хос маънода ишлатилади. Молия

назарясига кўра, инвестициялар бўлажак натижаларни қўлга киритиш мақсадида, моҳиятан ҳозирги харажатларни билдиради. “Инвестициялар” атамаси лотин тилдаги “Invest” сўзидан келиб чиққан бўлиб “қўйиш”, “маблағни сафарбар этиш” маъносини беради. Кенг маъода инвестициялар кўпайтириб кайтариб олиш мақсадларида капитални боғлашни билдиради. Кўпгина ҳолларда “инвестициялар” тушунчаси иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар тарзида таърифланади. “Чет эл инвестициялари” тушунчасига таъриф беришда ҳам худди шу маъно назарда тутилади, лекин бу ўринда уларнинг қонуний ҳуқуқлиги ва мақсадига кўпроқ урғу берилди. Ўзбекистон Республикасининг “чет эл инвестициялари тўғрисида”ги қонунида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эллик инвесторлар томонидан қонун ҳужжатларига зид бўлмаган тадбиркорлик ва бошқа фаолият турлари объектларига аксарият фойда олиш мақсадларида киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга доир ҳуқуқларнинг жами турлари, шу жумладан, интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлар, шунингдек, чет эл инвестицияларидан олинадиган ҳар қандай даромад чет эл инвестициялари саналади. Одатда, макроиқтисодий даражада инвестициялар дейилганда ишлаб чиқариш воситаларини такрор ишлаб чиқаришга, янги уй-жой биноларни, товар захираларини кўпайтириш ва шу кабиларга йўналтирилган харажатларнинг бир қисми тушунилади.

Миллий иқтисодиётда инвестицион сиёсат ва уни самарали бошқариш мамлакат иқтисодиёти ривожланишининг муҳим асосларидан бири ҳисобланади. У такрор ишлаб чиқариш, фан-техника тараққиётининг ўсиш суръатлари ва кўламига фаол таъсир кўрсатади, аҳоли салмоқли қисмининг бандлигини таъминлашга шароит яратади. Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, мамлакатдаги ишлаб чиқариш кучларининг оқилона жойлаштирилиши ва ривожланиши кўп ҳолларда инвестицион сиёсатни самарали амалга ошириш даражасига боғлиқ бўлади.

Янги ишлаб чиқариш қувватларини ва асосий капиталларни яратиш ҳамда амалда фаолият юритувчиларини қўллаш учун йўналтирилган капитал қўйилмаларининг анча қисми инвестиция соҳаси орқали ўтиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек: "Инвестиция базасини ривожлантириш ва чуқурлаштириш ислохотларимиз стратегиясининг жуда муҳим шартидир. Иқтисодий таркибий жиҳатдан қайта қуриш, экспорт имкониятини кенгайтириш соҳасида белгиланган йўналишлар кучли инвестиция сиёсатини ўтказиш билангина рўёбга чиқади".⁴

Инвестицион сиёсат ҳар қандай давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида энг муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Чунки шу сиёсат орқали мамлакат ишлаб чиқариш қувватининг юқори даражада ўсиши, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми ва сифатининг ортиши, моддий ва маънавий эҳтиёж қондирилиши, бутун давлат инфратузилмасининг ривожланишини таъминлаш мумкин. Ҳозирги замон инвестиция сиёсати иқтисодий тузилмани ўзгартиришни амалга оширувчи асосий дастак бўлиб, қишлоқ хўжалигини замонавийлаштириш, табиий ресурс ва ҳудудларни ўзлаштириш, аҳолини иш билан таъминлаш, фан-техникани ривожлантириш, экологик муаммоларни бартараф этиш кабиларни ҳал этишга қаратилиши керак.

Ҳар бир мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги роли ва салоҳияти унинг иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожланиш даражаси билан белгиланади. Шунинг учун ҳам самарали инвестицион сиёсатни амалга оширишнинг оқилона йўллари танлаш мамлакатимиз учун энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Иқтисодийнинг равнақи уни ташкил этувчи субъектлар моддий базаси ривожланишига боғлиқдир. Чунки моддий ресурслар мавжудлиги ва улардан самарали фойдаланиш ҳар қандай иқтисодий ўсишнинг зарурий

⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари –Т., Ўзбекистон., 1998, 58-б

шарти ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти тизими учун энг аввало микродаражадаги иқтисодий ўсишнинг ресурслар билан таъминланиши муҳимдир. Бу ўринда инвестицион фаолият ҳам муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодий тизим қайтадан ҳосил бўлиши учун инвестицияларнинг умумий тақсимланиши етарли эмас. Бунинг учун корхоналар мулкчилик шаклидан қатъий назар инвестициялар билан таъминланиши зарур.

Ўзбекистонда давлатнинг инвестицион сиёсатининг моҳиятини иқтисодий трансформация шароити белгилаб беради. Транзит тизимда иқтисодий сиёсат давлатнинг ялпи даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш фаолияти билан боғлиқ бўлади. Шу йўл билан давлатнинг кўлида инвестицион ресурслар жамланади ва ишлатилади. Бу ресурсларни давлат ўзига қарашли корхоналардагина эмас, балки бошқа тассаруфлардаги субъектлардан ҳам олади.

Давлатнинг инвестицион сиёсатини амалга оширишда банклар алоҳида рол ўйнайди. Республикамиз тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал секторини молиялаштириш бўйича олиб борилаётган ишлар мамлакатимиз иқтисодиёти тараққиётига салмоқли таъсир кўрсатмокда. тижорат банкларининг иқтисодиёт турли соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилган кредит қўйилмалари йилдан-йилга ошиб бормокда.

Давлатнинг солиқлар ва бошқа тушумлар шаклида олган даромади бюджет орқали тақсимланиб, унинг ихтиёридаги инвестицион ресурсларини ҳосил қилади. Буни қуйидаги 5-чизмадан кўриш мумкин:


Давлатнинг инвестицион сиёсати унинг ўз инвесторлиги билан чекланиши мақсадга мувофиқ эмас. Бу фаолият доирасини кенгайтириб, унга уч унсурни киритиш тўғри бўлади:

1. Давлатнинг ўз даромадлари ва олган қарзи ҳисобидан инвестицияларни йўналтириши;
2. Миллий ва хорижий инвесторлар учун қулай инвестицион шароит яратилиши;

3. Барча секторлардаги инвестиция фаолиятини рағбатлантириш.

3.1-чизма.

ЯИМнинг таркибида солиқлар ва тушумларнинг йўналиши



Инвестицион сиёсатнинг мана шу уч жиҳати Ўзбекистонда ҳам амал қилади. Давлатнинг инвестицион сиёсати унинг таркибий сиёсати амалга оширилишига хизмат қилади. Ўзбекистонда эндиликда модернизациялашган иқтисодиётга ўтилиши зарур. Бунга эса давлатнинг фаол инвесторлиги орқали эришилади. Албатта, бу давлат тассаруфининг инвестициялар борасидаги устуворлигини таъминлайди. Аммо бу бошқа тассаруфлар ривожини учун ҳам зарур шароит яратади.

Давлат тассаруфидаги инвестициялар миллий доирадаги такрор ишлаб чиқаришга хизмат қилади. Чунки давлат тассаруфи корхоналар таркибан базавий тармоқлар корхоналари ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан иборат. Уларнинг фаолияти умуммиллий аҳамиятга эга бўлиб, ижтимоий доирадаги такрор ишлаб чиқаришни таъминлайди. Бутун иқтисодиёт учун энг муҳим бўлган товар ва хизматларни яратади. Давлат тассаруфида яратилган товар ва хизматлар истеъмоли бошқа тассаруфлардаги такрор ишлаб чиқаришни кафолатлайди. Чунки улар муҳим ресурслардан иборатдир.

Давлат тассаруфида машинасозлик, ёқилғи-энергетика, сув хўжалиги, транспорт ва алоқа корхоналари мавжуд. Уларнинг меъёрида ишлаб туриши бошқа тассаруфлар учун жуда зарур.

Давлат тассаруфининг умуммиллий аҳамияти уни инвестиция соҳасида етакчи бўлишига олиб келади. Бу сиёсат бюджет инвестициялари орқали молиявий таъминланади. Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини молиялаштириш кўрсаткичлари дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан

биридир. Бу Ўзбекистонда инвестицион жараёнларни эркинлаштириш самарали кечаётганлигидан дарак беради.

Бюджетдан инвестициялаш давлат инвестицион фаолиятининг фақат бир жиҳатидир. Бюджет ташқарида ҳосил бўлган, лекин марказлаштирилган инвестициялар ва шунингдек, давлат корхоналари инвестициялари ва хорижий капиталнинг давлат кафолатлаган инвестициялари унинг иккинчи бир жиҳатидир.

Давлат инвестициялари ҳам ўсишга мойил бўлади. Лекин уларнинг жами инвестициялардаги ҳиссаси давлат секторининг иқтисодиётдаги ҳиссасидан анча устун туради.

Давлат инвестициялари бошқа мулк доирасидаги инвестициялар билан қиёслаганда давлат тассаруфи давлат инвестициясига тенг эмаслигига, давлат катта маблағларини ижтимоий соҳаларга, уни ривожлантириш учун қаратишга эътибор бериш керак.

Шуни ҳам айтиш зарурки, давлат инвестициялари нодавлат секторига ҳам қисман бўлсада юборилади. Ноишлаб чиқариш инвестициялари ижтимоий секторни ривожлантиради. Шунинг учун улар умуммиллий аҳамиятга эгадир. Уларнинг фаолияти натижасидан нодавлат секторидаги корхона ва ташкилотлар, умуман, барча аҳоли баҳраманд бўлади.

Давлат тассаруфидаги инвестиция фаолиятини молиялаш қуйидаги манбаларга таянади: бюджет, корхонанинг ўз маблағи ва кредитлар. Инвестицияларни тассаруфлараро қиёслашда, биринчидан, капитал инвестицияси, иккинчидан, ишлаб чиқариш таснифидаги инвестициялар ҳисобга олиниши зарур бўлади.

Ўзбекистонда давлат инвестициялари устуворлигини транзит иқтисодиёт юзага келтирган омиллар билан изоҳлаш мумкин. Транзит иқтисод ўтиш даври иқтисодиёти бўлиб унга капиталнинг дастлабки жамғарилиши хосдир. Бу эса инвестиция жараёнига таъсир этмаслиги мумкин эмас. Хусусий капиталнинг жамғарилиши, биринчидан, давлат

мулкини унинг тасарруфидан чиқариш орқали содир бўлса, иккинчидан, капиталнинг инвестициялар ҳисобидан ўсиши юз беради.

Дастлаб Ўзбекистонда хусусийлаштириш миқёси кенг бўлмади. Буни бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш тақазо этарди. Шу сабабли хусусийлаштириш дастлаб савдо-сотиқ, маиший хизмат ва кичик саноатда ўтказилди. Бинобарин, хусусий капитал шу ерда шаклланди. Унинг миқдори эса катта эмас. Иқтисодий ўзгаришлар эса катта капитални талаб қиларди ва бу давлат қўлида эди. Ислохотлар жараёнида Ўзбекистонда икки хил вазифани ҳал қилиш зарур бўлди: биринчиси, Ўзбекистонда бозор муносабатларига социалистик ҳўжаликдан ўтилиши, бу ҳўжаликни ислохотлар орқали унинг карама-қаршиси бўлган бозор тизимига айлантириш. Иккинчиси, янги миллий иқтисодиётни қуриш, бу эса таркибий ўзгаришларни ўтказиш орқали ярим мустамлака ва аграр иқтисодиётни миллий манфаатга хизмат қилувчи замонавий иқтисодиётга айлантиришни талаб қиларди.

Бу вазифаларни бир вақтнинг ўзида ҳал қилиш катта инвестицияларни талаб қилади. Хусусий тасаруф эса буни таъминлашга қодир эмас. Ўзбекистонда давлатнинг иштироки ва унинг кучли назорати остида ўтган хусусийлаштириш жараёни бир қатор мамлакатларда бўлгани каби, катта миқдордаги давлат мулкини қўлга киритиш, жумладан, йирик капитал соҳиби бўлган олигархларни юзага келтирмади.

Кейинги пайтда бу икки тасаруфдаги инвестиция ресурслари ноишлаб чиқариш соҳаларига ўтиб, шахсий истеъмолга қаратилиши кузатилади. Бу жараёни икки омил билан изоҳлаш мумкин. Биринчидан, аҳоли ўз даромадини инфляциядан ҳимоялаш учун юқори ликвидли воситаларга айлантиришга интилиб, ўз пул жамғармасини кўпроқ уй-жой қурилишига қаратади. Агар хусусий инвестицияларни олсак, уларнинг жуда катта қисмини фуқаролар шахсий уй-жой қурилишига сарфлайдилар. Бу эса, хусусий тасаруфнинг ишлаб чиқариш салоҳияти ортишига хизмат қилмайди.

Иккинчидан, хусусий инвестицияларни ишлаб чиқаришга йўналтиришга миллий технология бозоридаги тақчил монетарлик қилиши, зарур технологияларни ташқи бозордан топиш мумкинлиги ва бунга эса валюта ресурслари етишмаслиги ҳалақит беради. Мана шундай сабаблар жамоа тассаруфидаги инвестициялар таркибига ҳам таъсир этади. Бу ерда уй-жой кооперативлари фаоллиги ҳам инвестицияларни шу соҳага йўналтиришга хизмат қилади.

Дарҳақиқат Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганларидек: “Ўтган йили тижорат банкларининг инвестициявий фаолияти ҳам кенгайди. Улар томонидан 1 миллиард 700 миллион доллар ёки 2013-йилга нисбатан 20 фоиз кўп инвестициялар йўналтирилди.


Жами инвестицияларнинг 73 фоиздан ортиғи ишлаб чиқариш соҳасига ва қарийб 40 фоизи машина ва ускуналар харид қилишга сарфланди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган инвестиция сиёсатининг ўзига хос хусусияти маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлашни таъминлайдиган, юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга қаратилган инвестиция лойиҳаларига устувор аҳамият берилаётганида намоён бўлмоқда.”⁵

⁵И.А.Каримов. “2015-йилда иқтисодийтимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир”. // “Халқ сўзи” 17.01.2015

3.1-диаграмма

2012-2013 йилларда мамлакат иқтисодиётига жалб қилинган инвестициялар миқдори ва асосий таркиби. (млрд.доллар)



Инвестиция дастурини амалга оширишда корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан йўналтирилган тўғридан-тўғри хусусий инвестицияларнинг йилдан-йилга фаол иштирок этаётгани барчамизга алоҳида мамнуният бағишлайди. Биргина ўтган йилда бундай инвестициялар ҳажми 10,3 фоизга ўсиб, 4 миллиард 300 миллион долларни ёки жами инвестициялар ҳажмининг қарийб 30 фоизини ташкил этди.

Ўтган йили тижорат банкларининг инвестициявий фаолияти ҳам кенгайди. Улар томонидан 1 миллиард 700 миллион доллар ёки 2013 йилга нисбатан 20 фоиз кўп инвестициялар йўналтирилди.

Жами инвестицияларнинг 73 фоиздан ортиғи ишлаб чиқариш соҳасига ва қарийб 40 фоизи машина ва ускуналар харид қилишга сарфланди.

2014 йилда иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқларида замонавий юқори технологияларга асосланган ускуналар билан жиҳозланган, умумий қиймати 4 миллиард 200 миллион долларга тенг бўлган 154 та йирик объект фойдаланишга топширилди.

Уларнинг қаторида йилига 60 мингта автомобиль ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган “Хоразм автомобиль ишлаб чиқариш бирлашмаси”

масъулияти чекланган жамияти базасида “Дамас” ва “Орландо” русумидаги енгил автомобиллар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш», “Жиззах вилоятида 760 минг тонна портландцемент ёки 350 минг тонна оқ цемент ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш”, “80 минг тонна рух концентратини қайта ишлаш бўйича рух заводини реконструкция қилиш”, “Мис эритиш заводида янги сульфат кислота цехини қуриш”, электр энергияси ишлаб чиқариш имкониятини 50 мегаваттга ошириш мақсадида “Сирдарё иссиқлик электр станциясини тўлиқ миқёсда модернизация қилиш”, Қорақалпоғистон Республикасидаги “Манғит” масъулияти чекланган жамияти базасида йилига 5 минг тонна маҳсулот чиқариш қувватига эга бўлган ип-калава йигирув корхонаси ташкил этиш» ва бошқа объектларни тилга олиш мумкин.

Ўтган йилда йилига 25 миллиард куб метр газни узатиш имконини берадиган Марказий Осиё-Хитой газ қувурининг 1 минг 830 километр узунликдаги учинчи тармоғи ишга туширилди.

Инвесторларга кенг солиқ имтиёзлари ва преференциялар берилган “Ангрен” махсус индустриал зонаси, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси, “Жиззах” махсус индустриал зонасининг ташкил этилгани юқори технологияларга асосланган корхоналарни ривожлантириш имконини кенгайтди. Ушбу зоналар учун зарур ташқи муҳандислик ва транспорт инфратузилмаси тўлиқ республикамиз маблағлари ҳисобидан барпо этилмоқда.

Йўл-транспорт инфратузилмасини тараққий эттириш саноатни жадал ривожлантириш ва унинг салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда. 2014 йилда умумий фойдаланиш учун мўлжалланган 540 километр автомобиль йўлини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари якунланди. 116 километрдан иборат икки полосали йўл кенгайтирилиб, тўрт полосали қилиб қайта қурилди, бу эса ўз навбатида ушбу йўлларда қатновни 3 баробар ошириш имконини берди.

Ўтган йили темир йўллар куриш, реконструкция қилиш ва электрлаштириш, юк ва йўловчи ташийдиган темир йўл транспортини қайта тиклаш ва модернизация қилиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида 630 миллион доллардан зиёд маблағ ўзлаштирилди.

Бу маблағнинг ярмидан кўпи “Ангрен-Поп” электрлаштирилган темир йўл линиясини барпо этиш лойиҳасини жадал суръатларда давом эттиришга йўналтирилди. Шу билан бирга, 240 километрлик темир йўл қайта тикланди, ўзимизда 650 та юк ва 20 та йўловчи ташиш вагонлари ишлаб чиқарилди, Қарши темир йўл вокзали реконструкция қилинди. “Тошкент-Самарқанд” ва “Самарқанд-Тошкент” йўналиши бўйича катнайдиган “Афросиёб” тезюар поездида 2014 йилда 180 мингдан зиёд йўловчи ўз манзилига етказилди.

Авиация транспортида юк ташиш ҳажми 126 миллион 300 минг тонна-километрни ташкил қилди ёки 2013 йилга нисбатан 8,5 фоизга ошди. 2014 йилда “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси дунёдаги 270 дан ортиқ авиакомпанияни ўзида бирлаштирган Халқаро ҳаво транспорти ассоциациясининг (IATA) тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди.

Навоий шаҳри аэропорти негизида ташкил қилинган халқаро логистика маркази Европа, Ҳиндистон, Хитой ва Жануби-Шарқий Осиёга авиация орқали юк ташишни амалга оширишга хизмат қилмоқда. Ушбу марказ фойдаланишга топширилганидан буён ўтган вақт мобайнида 200 минг тоннадан зиёд юк ташилди.

Кўриниб турибдики, мамлакатимизда инвестицион сиёсатни амалга оширишда барча зарурий имкониятлар мавжуд бўлиб, яқин йиллар ичида Ўзбекистон энг ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олади. Инвестицион сиёсатни биз таҳлил қилиб ўрганаётган Қашқадарё вилоятида қай даражада амалга ошири лаётганлигини диссертация ишининг 2-бобида кўриб чиқамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш

якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек: “Инвестиция дастурини амалга оширишда корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан йўналтирилган тўғридан-тўғри хусусий инвестицияларнинг йилдан-йилга фаол иштирок этаётгани барчамизга алоҳида мамнуният бағишлайди. Биргина ўтган йилда бундай инвестициялар ҳажми 10,3 фоизга ўсиб, 4 миллиард 300 миллион долларни ёки жами инвестициялар ҳажмининг қарийб 30 фоизини ташкил этди. Ўтган йили тижорат банкларининг инвестициявий фаолияти ҳам кенгайди. Улар томонидан 1 миллиард 700 миллион доллар ёки 2013-йилга нисбатан 20 фоиз кўп инвестициялар йўналтирилди. Жами инвестицияларнинг 73 фоиздан ортиғи ишлаб чиқариш соҳасига ва қарийб 40 фоизи машина ва ускуналар харид қилишга сарфланди.”⁶

I боб бўйича хулоса

Хулоса қилиб айтганда, ҳудудларнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишини давлат томонидан тартибга солиш давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим таркибий қисмидир.

Ҳар бир мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги роли ва салоҳияти унинг иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожланиш даражаси билан белгиланади. Шунинг учун ҳам самарали инвестицион сиёсатни амалга оширишнинг оқилона йўллари танлаш мамлакатимиз учун энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

⁶ И.А.Каримов. “2015-йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир”. // “Халқ сўзи” 17.01.2015

**II боб. Қашқадарё вилоятида ижтимоий соҳа тармоқларига
инвестицияларни жалб қилишнинг ҳозирги ҳолати**

**1. Вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий тавсифи, унинг ҳолати ва
инвестицияларни молиялаштириш таҳлили**

Қашқадарё вилояти 1943 йилда ташкил топган бўлиб, унинг умумий ер майдони 28,6 кв.км.дир ёки 2856799 гани ташкил этади. Вилоятнинг умумий чегара узунлиги 893,89 км бўлиб, Тожикистон республикаси билан Шахрисабз тумани томонидан Шарқдан 18,5 км, Китоб тумани томонидан эса Шарқдан 41,47 км масофада чегарадош. Шунингдек, вилоят Туркменистон билан Жанубий-ғарб томонидан Дехқонобод тумани орқали 75,9 км, Ғузор тумани билан 22,2 км, Нишон тумани билан 75,74 км ва Миришкор тумани томонидан 79,48 км масофада чегарадошдир. Қўшни вилоятлар билан шимолдан 276 км масофада Самарқанд вилояти билан, жанубий шарқдан 193,8 кмда Сурхондарё вилояти билан, шимолий-ғарбдан 98,3 км масофада Бухоро вилояти билан ва шимолдан 12,5 кмда Навоий вилояти билан чегарадош.

Вилоят Ўрта Осиёнинг тоғ тизмаларидан чўл-текислик майдонларига ўтиш чизихида жойлашган. Шимолий, шимолий-ҳарбий қисмлари текисликдан иборат, жанубга ва жанубий шарқ томонга қараб кўтарилиб боради ва тоғ олди текисликлари, тоғ ён бағирлари ва тоғ тизмалари билан бошланади.

Худудда қуёшли кунларнинг кўп бўлиши, ҳароратнинг сутка давомида ва умуман сезиларли ўзгариб туриши, ҳавонинг қуруқлиги, булутларнинг камлиги билан ажралиб туради. Ёз узун, қиш қисқа, баҳор эса серёмҳир. Вегетацион даврнинг узунлиги кул ранг тупроқли минтақада 242 кун, ана шу даврдаги фойдали ҳароратнинг йиқиндиси $2533-2939\text{ }^{\circ}\text{C}^0$; Суткалик ўртача ҳарорат $+10\text{ }^{\circ}\text{C}^0$ дан ортиқ бўлган даврнинг узунлиги 248 кундан 298 кунгача бўлади. Вегетацион даврда ҳавонинг

ўртача суткалик ҳарорати $+22,9\text{ }^{\circ}\text{C}$ $+24,5\text{ }^{\circ}\text{C}$, чўл зоналарида $+25,3\text{ }^{\circ}\text{C}$ гача етади.

Вилоят иқлими деҳқончилик экинлари етиштиришни ривожлантириш учун қулай. Деҳқончиликни ривожлантиришга тупроқ таркибининг хилма-хиллиги муайян таъсир кўрсатади. Вилоят тупроқлари таркиби асосан ўтли, типик ва кул ранг тупроқлардан иборатдир. Улар унумдор ва бўлиб, кўп миқдорда ўсимлик учун тўйимли моддаларга эга. Чўл минтақаларида кулранг-қўнхир, тақир, саҳронинг қумли тупроҳи тарқалган, шунингдек, гидрофосфорли тупроқлар ва солончаклар ҳам мавжуд.

Тупроқларнинг муҳим хусусияти уларнинг ишлаб чиқаришга қобиллиги яъни маданийлашганлиги бўлиб вилоятнинг, асосан, эскидан суғорилиб келинаётган юқори даражада маданийлашган ерлари доимий равишда органик ва минерал ўғитлар солинганлиги туфайли ҳаракатчан фосфор, азот билан яхши таъминланган. Уларнинг таркиби чиринди ва микроорганизмларга бой, энг мақбул табиий хусусиятлар, яъни донадорлик, сувни яхши ушлаб қолиш қобилиятлари юқори. Бундай тупроқли участкаларда яхши режалаштирилган, қишлоқ хўжалик экинларининг ўсиши ҳам бир меъёрга боради. Юқори маданийлашган ерлар асосан Қашқадарё вилоятининг шарқий, жанубий-шарқий, марказий қисмларида, Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ, Қамаш, Косон ва Қарши туманларида жойлашган.

Бошқарма бошлиқлари мақомига кўра бош бошқарма бошлиғига, бўлимлар бошлиқлари – бошқарма бошлиғига, гуруҳлар раҳбарлари эса – бошқарма бошлиғининг ўринбосарларига тенглаштирилади.

Иқтисодиёт вазирлигининг бошқарма, бўлим, гуруҳ бошлиқлари Вазир қарори билан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги тизими ташкилотлари ва муассасалари бошқарув аппарати ходимлари сони,

шунингдек унинг марказий аппарати тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

2.1-чизма

Вилоят Иқтисодиёт Бош бошқармасининг ТУЗИЛМАСИ



Вилоят ўзининг ишлаб чиқариш салоҳияти билан ҳам республикада етакчи ўринларни эгаллайди бунинг исботини биз 2.1-жадвалнинг таҳлили орқали кўришимиз мумкин. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, вилоятда барча соҳаларда ишлаб чиқариш ҳажми 2014 йилда 2013 йилга нисбатан ошган. Бироқ ташқи савдо айланмасида ўтган йилга нисбатан пасайиш кузатилади. Масалан ташқи савдо умумий ҳажмда 83,3%га камайган бўлса, шундан экспорт ҳажми 96,5 % га камайган ва импорт ҳажми эса 73 % га камайган.

Алмаштириш курсларини бирхиллаштириш ва валюта сиёсатини эркинлаштириш борасида олиб борилган изчил чора-тадбирлар жорий операциялар бўйича миллий валюта конвертациясини таъминлаш ва халқаро валюта жамғармаси битимининг VIII моддасига қўшилиш имконини берди.

Узоқни кўзлаб сиёсат юритиш натижасида ташқи иқтисодий фаолият ҳам бирмунча фаоллашди. Жумладан, ташқи савдо айланмаси ҳажми 17,3 фоиз экспорт ҳажми 24,6 фоиз бўлиб, ташқи савдо айланмасида 1300 миллион АҚШ долларидан ортиқ микдорда ижобий сальдога эришилди.

2.1- жадвал

Қашқадарё вилояти иқтисодий кўрсаткичларининг республика кўрсаткичига нисбати

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Ўзбекистон		Қашқадарё		Вилоятнинг салмоғи, %	
			2012 й	2013 й	2012 й	2013 й	2012 й	2013 й
1	Худуди	Минг км ²	447,4	447,4	28,6	28,6	6,3	6,3
2	Аҳоли сони	Минг киши	29555,4	29993,5	2777,8	2831,3	9,3	9,4
3	1 км ² га тўғри келадиган киши сони	Киши	66,06	67,0	97,1	98,9	138,1	140,1
4	Шаҳар аҳолиси, шу жумладан % ҳисобида	Минг киши, %	14782,3 38,2	15696,6 37,6	527,2 26	553,2 25,5	6,0	6,1
5	Қишлоқ аҳолиси, Шу жумладан % ҳисобида	Минг киши,%	14202,7 63,0	13862,4 62,6	1502,4 74	1613,1 74,5	10,3	10,6
	Аҳолининг табиий ўсиши, 1000 аҳоли ҳисобига	Киши	21,1	20,3	21,2	20,5	126,5	114,2
7	Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ер майдони	Минг га.	25398,9	24295,9	2195800	2195.598	8,4	8,7
8	Экинлар майдони, шу жумладан	Минг га.	4007,0	4012,5	569,9	549,2	14,2	14,1
	Донли экинлар	Минг га.	1740,5	1720,5	313,0	278,5	17,9	18,1
	Пахта	Минг га.	1487,3	1517,4	173,0	174,3	11,6	11,4
	Картошка ва сабзавот	Минг га.	219,9	233,3	14,7	16,2	6,6	6,9
	Озуқа экинлари	Минг га.	521,5	452,7	57,4	56,6	11,0	12,5

Манба: Вилоят Иқтисодиёт Бош бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

Қашқадарё вилоятининг асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2014 йил январь- декабрь	2013 йил январь- декабрига нисбатан фоиз хисобида
Ялпи ҳудудий маҳсулот	млрд. сўм	10509,2	107,9
Саноат маҳсулоти	млрд.сўм	6322,3	106,7
Истеъмол товарлари	млрд. сўм	1110,5	105,8
Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	млрд. сўм	3078,8	106,2
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	млрд. Сўм	3944,4	105,6
Қурилиш ишлари	млрд. сўм	1619,8	120,1
Юк айланмаси	млн. тн-км	1575,6	109
Йўловчи айланмаси	млн. йўловчи- км	5236,3	108,2
Чакана товар айланмаси	млрд. сўм	4394,3	116,2
Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш	млрд. сўм	1286,8	111,7
Ташқи савдо айланмаси	млн. АҚШ долл.	637,4	83,3
Экспорт	млн.АҚШ долл.	323,4	96,5
Импорт	АҚШ долл.	314	73

Манба: Вилоят Иқтисодиёт Бош бошқармаси маълумоти

Ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш 2014 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯХМ)нинг номинал қиймати 10509,2 млрд. сўмда баҳоланди. ЯХМнинг реал ҳажмининг ўсиш суръатлари ўтган йилга нисбатан 107,9 фоизни ташкил қилди. (2.1-диаграмма).

2.1-диаграммадан кўриниб турибдики, вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг таркибида саноат тармоғида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми катта улушга эга ёки ЯХМнинг 33,7 фоизини ташкил қилади. Кейинги ўринда эса қишлоқ хўжалиги тармоғи туради.

2.1-диаграмма.

ЯХМ ишлаб чиқаришнинг тармоқлар бўйича таркиби:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



ЯХМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 51,5 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди. Бу кўрсаткич 2013 йилнинг шу даврида 51,4 фоизни ташкил қилади

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри базаси маълумотларига кўра, 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига иқтисодиётнинг барча тармоқларида рўйхатга олинган деҳқон ва фермер хўжаликларисиз юридик шахслар сони 21300тага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари

сони 19570 тани (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 91,9 фоизини) ташкил қилди. (2.1.3-жадвал)

2.3-жадвал

Қашқадарё вилоятида 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига (фермер хўжаликларисиз) корхона ва ташкилотлар иқтисодиёт тармоқлари бўйича тақсимланиши.

Кўрсаткичлар	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	яқунга нисбатан фоизда	бирлик	яқунга нисбатан фоизда
Жами	21300	100	19570	100
шу жумладан:				
Саноат	2529	11,9	2332	11,9
Қурилиш	2485	11,7	2192	11,2
Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	3272	15,3	3054	15,6
Транспорт ва алоқа	760	3,6	668	3,4
Савдо ва умумий овқатланиш	6638	31,1	5941	30,4
Бошқа ишлаб чиқариш тармоқлари	907	4,2	781	4
Маиший хизматнинг ноишлаб чиқариш тури	272	1,3	233	1,2
Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, ижтимоий таъминот	791	3,7	770	3,9
Таълим	1679	7,9	1675	8,6
Маданият ва санъат	141	0,7	137	0,7
Фан ва илмий хизмат кўрсатиш	66	0,3	59	0,3
Бошқа ноишлаб чиқариш тармоқлар	1760	8,3	1728	8,8


Манба: Вилоят Иқтисодиёт Бош бошқармаси маълумоти

Рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 31,1 фоизи савдо ва умумий овқатланиш соҳасига, 15,3фоизи қишлоқ хўжалиги, 11,9 фоизи саноатга, 11,7 фоизи қурилиш соҳаларига тўғри келади.

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 84,4 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 57,0 фоизи хусусий корхоналар, 0,3 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,4 фоизи акциядорлик

жамиятлари, 26,7 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди. (2.2-диаграмма)

2.2-диаграмма




Жами 1635 та хўжалик юритувчи субъектлари ташкил этилган бўлиб, уларнинг асосий қисми вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 25,0 фоизи Қарши шаҳрига, 10,2 фоизи Чироқчи туманига, 8,3 фоизи Китоб туманига, 7,8 фоизи Косон туманига, 8,1 фоизи Шаҳрисабз туманларига тўғри келади.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик бўйича 2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра рўйхатга олинган жами кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз) сони 17492 тани ташкил қилди. Жорий йилда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 51,5 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан (ўтган йилнинг шу даврида 51,4 фоиз) ишлаб чиқарилди. Иқтисодиётдаги жами иш билан бандларнинг 78,4 фоизини (869,5 минг киши) кичик тадбиркорлик секторида банд бўлганлар ташкил қилди.

Кичик бизнес субъектлари томонидан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 106,0 фоизни ташкил этди ва 1070403,4 млн. сўмни ташкил қилиб, шундан вилоят саноат ишлаб чиқариши 16,9 фоизни, қишлоқ хўжалик маҳсулоти 106,2 фоизни, яъни 3059,5 млн. сўмни (қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 99,4 фоизни) ташкил қилди.

Кичик бизнес субъектлари ташқи савдо айланмаси вилоят ташқи савдо айланмаси ҳажмининг 17,0 фоизини ташкил қилди. Жорий йилда кичик бизнес субъектлари томонидан 79914,6 минг АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 22,2 фоизи), миқдорида маҳсулот экспорт қилинди.

2.3-диаграмма



Демак, вилоят иқтисодиётида асосий капиталга киритилган инвестициялар умумий ҳажмининг 14,7 фоизи, қурилиш ишларининг 74,9 фоизи кичик бизнес корхоналари ҳиссасига тўғри келди. Кичик бизнес

субъектлари юк ташиш вилоят автомобил транспорти умумий юк ташиш айланмасининг 72,8 фоизини, йўловчи ташиш умумий йўловчи ташиш айланмасининг 83,7 фоизини ташкил этди. Савдо айланмаси умумий ҳажмининг 35,5 фоизи ёки 1562000 млн. сўми ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш умумий ҳажмининг 55,6 фоизи ёки 715288,6 млн. сўми кичик тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келади.

Иқтисодиёт тармоқларида яратилган маҳсулот (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида, кичик тадбиркорликнинг улушининг ўзгариши умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида (фуқаролар мулки) субъектлари маҳсулотининг улуши куйидагича ифодаланади (2.4-жадвал).

2.4-жадвал

2014 йилда кичик тадбиркорликда яратилган маҳсулот (иш, хизматлар) умумий ҳажмида хусусий тадбиркорлик (фуқаролар мулки) субъектлари маҳсулотининг улуши

Тармоқлар	Хўжалик юритувчи кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млн.сўм	Кичик тадбиркорлик маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида
Саноат	1070403,4	11,6
Қурилиш	1213412,2	53,4
Чакана савдо	1562000	41,3
Пуллик хизмат	715288,6	53,9
Юк ташиш, млн. тн.	32,4	51,6
Йўловчи ташиш, млн. киши	407,5	81
Экспорт, минг АҚШ долл.	71821	0,8
Импорт, минг АҚШ долл.	36764,8	2,4

Манба: Вилоят Иқтисодиёт Бош бошқармаси маълумоти

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан яратилган маҳсулот (иш, хизмат) ҳажми иқтисодиёт тармоқларида ўзига хос бўлиб, бунда асосан хизмат кўрсатиш ва қурилиш соҳасида ишлаб чиқариш салмоқли улушга эга. Келажакда юк ташиш, йўловчи ташиш экспорт ва импорт соҳасида маҳаллийлаштириш дастури орқали юқори кўрсаткичларга эришиш имкониятлари мавжуд.

2. Вилоят иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилишнинг хусусиятлари ва имкониятлари

Ўзбекистоннинг барча ҳудудлари барқарор суръатларда ривожланмоқда. Барқарор тараққиётнинг асосида ҳудудларда иқтисодий ўсиш учун шароитлар яратишга йўналтирилган изчил ҳудудий сиёсат ётибди. 2005 йилда ҳудудлар тараққиётини рағбатлантиришга йўналтирилган бир қатор чора-тадбирлар қабул қилинди. Аввало, бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги “Тўғридан-тўғри хусусий инвестицияларни рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги ва 2006 йил 05 январдаги “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари асосий ҳужжатлардан ҳисобланади.

Ҳудудлардаги иқтисодиётнинг реал сектори тараққиётининг юксак кўрсаткичлари уларда инвестицион фаоллик ортиши билан изоҳланади. 2014 йилда кўпчилик ҳудудларда инвестициянинг ўсиш суръатлари анча юқори бўлди, жумладан 14 та вилоятдан 7 тасида инвестицияларнинг ўсиши республикадаги ўртача кўрсаткичдан ошиб кетди. Буни Навоий, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида инвестициялар ўсиш суръатининг юксалиши кузатилганлигини кўришимиз мумкин. Мазкур ҳудудларда инвестициялар

ишлаб чиқариш қувватлари, инфратузилманинг ривожини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тараққиётига, шунингдек, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигининг ўсишига йўналтирилган эди.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йили кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик тадрижий ривожланади. Кичик бизнеснинг мамлакат илм пчки маҳсулотидagi улуши 35,5 фоизга етди. Бугунги кунда бундай корхоналардан ишлаётганлар иқтисодиётда банд бўлганларнинг 57 фоиздан кўпроғини ташкил қилади. Ундан ташқари Президентимиз йиғилганлар эътиборини ҳар томоплама пухта ўйлаган, фаол олиб борилаётган инвестиция сиёсати иқтисодиётимиздаги барқарорлик таркибий ва сифат ўзгаришларини белгиловчи муҳим омил бўлмоқда.

Бу инвестицияларнинг асосий қисми ўтган йилларда бўлганидек. Ўзбекистонимизнинг жаҳон бозоридаги муносиб ўрин эгаллашда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини, шунингдек, ижтимоий соҳа, авваламбор, таълим ва тиббиёт соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилди.

Хорижий инвестициялар ва кредитларни ўзлаштиришнинг умумий миқдори 750 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Тўғридан-тўғри киритилаётган чет эл сармоялари ва кредитлари қарийб 1,6 марта кўпайди.

Кейинги пайтларда давлат бюджети томонидан бир қатор йирик ишлаб чиқариш мажмуалари молиялаштирилмоқда.

Мамлакатни модернизациялаш шароитида давлат миллий иқтисодиётимиз учун зарур бўлган маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи объектларни молиялаштиради. Хусусийлаштиришнинг кенгайиши ҳамда хусусий секторнинг ривожлаш бориши билан давлат бюджети маблағлари ҳисобига инвестициялаш камай боради. Бундай ҳолларда бозор иқтисодиётига ўтиб бораётган давлатларда, жумладан Ўзбекистонда ҳам давлат бюджети томонидан тиббиёт, фан, маданият, маориф ва бошқа ижтимоий соҳаларнинг лойиҳалари молиялаштирилиши

мақсадга мувофиқдир. Бунга мисол қилиб кейинги пайтларда мамлакатимизда кенг миқёсда қурилиб фойдаланиш топширилаётган тиббиёт муассасалари, академик лицейлар ҳамда касб-хунар коллежлари ва бошқаларни келтириш мумкин.

Юқорида санаб ўтилган маблағлар мабаидан корхоналар ишлаб чиқаришини барпо қилишда модернизацияни ёки техник-технологик жиҳатдан янгилашда, айланма маблағларини кўпайтиришда фойдаланиш мумкин. Ҳозирги кунда кўпгина корхоналарни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат томонидан субсидиялар ва бошқа ёрдам маблағлари ажратилмоқда. Давлат томонидан олиб борилаётган қўллаб-қувватлаш сиёсати асосида корхоналарга, айниқса, эндигина иш бошлаган хорижий инвестицион ёки бошқа турдаги кичик ва ўрта корхоналарга солиқ имтиёзлари бериш ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда. Корхоналар мана шу имтиёзли давр мобайнида солиқ тўлашларини амалга оширмайдилар ва шу сўммаларни ўз ишлаб чиқаришларини кенгайтиришга йўналтирадилар.

Бундан ташқари корхоналар ўзларига кераксиз бўлган асосий восита ва бошқа мулкларни сотиш ёки ижарага бериш орқали ҳам кўшимча маблағларга эга бўлишлари лозим.

Инвестиция лойиҳаларини турли хил манбалар ҳисобига молиялаштиришда банк кредитлари алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг ҳисобга олиб, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда банк тизимини ривожлантиришга катта эътибор берилди. Қисқа давр мобайнида банк тизимини ислоҳ қилиш бўйича ўнлаб қарор ва қарорлар, йўриқномалар ва тартиблар ишлаб чиқилди. Ҳозирги кунда республикаимизда 40 га яқин тижорат банклари фаолият кўрсатишмоқда. Улар мамлакатимиздаги барча хўжалик юритувчи субъектларга ўз фаолиятларининг ривожлантиришлари учун кредитлар ажратмоқда.

Инвестиция соҳасида вилоят иқтисодиётига 2008-2014 йилларда барча манбалар ҳисобидан 18,1 трлн сўмлик инвестициялар жалб этилиб, шундан 4,9 трлн сўми хорижий инвестициялар ҳисобидан йўналтирилди.

Шу давр мобайнида ўзлаштирилган капитал маблағлар ҳажмида марказлашган капитал маблағлар улуши 25,7 фоизни, марказлашмаган капитал маблағларнинг улуши 74,3 фоизни ташкил этди.

Ўтган 7 йил мобайнида марказлаштирилмаган маблағлар ҳажми кескин кўпайиб, корхоналар ва чет эл инвестицияси, айниқса аҳоли маблағлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Корхоналар маблағи 56 фоизни, тўғридан-тўғри чет эл инвестицияси 18 фоизни ташкил қилиб, аҳоли маблағи эса 23,5 фоизини ташкил қилмоқда. Яъни ушбу йўналишларнинг маблағлари ҳажми 2-3 мартага кўпайди.

2008-2014 йилларда ўзлаштирилган жами маблағларнинг 14,3 трлн сўми ёки 79 фоизи янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишга ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарининг қувватини оширишга сарфланди. Шунингдек, ушбу давр ичида 3,6 трлн сўмлик тўғридан-тўғри чет эл инвестицияси жалб этилиб, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишга йўналтирилди.

Натижада иқтисодиёт тармоқларида сезиларли таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Ўтган 2014 йил якунлари бўйича ялпи ҳудудий маҳсулотда саноатнинг улуши 33,7 фоизни, қишлоқ хўжалигининг улуши 19,4 фоизни, қурилиш ишлари 7,8 фоизни, савдо ва умумий овқатланиш 7,6 фоизни, солиқлар 9,4 фоизни, транспорт ва алоқа 7,2 фоизни, бошқа соҳалар улуши 15 фоизни ташкил этди.

Саноат соҳаси вилоят иқтисодиётининг асосий тармоғи ҳисобланиб, унинг республика саноатидаги улуши 8,4 фоизни ташкил этади.

Вилоятнинг Ғузор туманидаги “Шўртангазкимё” мажмуаси, “Шўртан-нефтгаз” унитар шўъба корхонаси, Муборак туманидаги “Муборакнефтгаз” унитар шўъба корхонаси, “Муборак газни қайта ишлаш заводи”, Дехқонобод

туманидаги “Калийли ўғитлар заводи”, Нишон туманидаги “Талимаржон” иссиқлик электр станцияси нафақат республикамизда, балки бутун Марказий Осиёда ҳам энг йирик корхоналар сирасига киради.

Вилоятда саноат ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтириш мақсадида 2008-2014 йиллар мобайнида 2,6 трлн сўмлик инвестициялар киритилди, жумладан 280 млн доллар хорижий инвестициялар ҳамда Тараққиёт ва тикланиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 522,3 млрд сўмлик маблағлар ўзлаштирилди.

Мазкур инвестициялар ҳисобига шу жумладан 1969 та янги саноат корхоналари ишга туширилди ва 627 та саноат корхонасида модернизация ишлари амалга оширилди. Натижада 23,9 мингта янги иш ўринлари яратилди.

2013-2016 йилларда Қашқадарё вилоятининг саноат салоҳиятини ривожлантириш дастурини амалга оширилиши вилоятда саноатни ривожлантириш учун жиддий тўртки бўлди. Мазкур дастур доирасида 2 млрд доллардан зиёд маблағ ўзлаштириш ҳисобига 555 та лойиҳаларни амалга ошириш белгиланган.

Бугунги кунда дастур доирасида вилоятда қиймати 909,2 млн долларлик 421 та лойиҳалар ишга туширилиб, 6988 та янги иш ўринлари яратилди.

Вилоятдаги саноат корхоналари томонидан 2008 йилда 25 турдаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, ўтган 7 йил давомида ишга туширилган корхоналар ҳисобига 31 турдаги (жумладан, энергия тежовчи лампочка, кўп функцияли назорат касса машиналари ва таксометрлар, ламинантланган мебель хом-ашёси, қоракўл теридан бош кийим ва эркаклар устки кийими, пайпоқ, пойафзал, лак бўёқ маҳсулотлари, косметик совун, кўмир брикет, кунгабоқар ёғи, масхар ёғи, мева-сабзавот маҳсулотларини қуритиш, қовуриш ва қадоқлаш, печенье маҳсулотлари, қуруқ сут маҳсулотлари, асални қадоқлаш, кир ювиш кукуни, сунъий мармар тош,

микрокальцит, чинни буюмлар, шиша маҳсулотлари) янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, маҳсулот тури 56 тага етказилди.

Маҳаллийлаштириш Дастури доирасида вилоятда 2008-2014 йилларда 119 та лойиҳалар томонидан 610,3 млрд сўм миқдорда маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Хизмат кўрсатиш соҳасида, сир эмаски, аҳолининг даромадлари, турмуш даражаси ўсиб бориши билан унинг турли хизмат турларига бўлган эҳтиёжи ҳам ошиб боради. Мазкур эҳтиёжни тўлиқ қондириш мақсадида вилоятда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида охириги йилларда ушбу соҳа юқори суръатларда ўсиб бормокда.

2008-2014 йилларда хизмат кўрсатиш ўсиш суръатлари йилига ўртача 117,6 фоизни ташкил этди. Хизмат соҳасининг ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида хизматлар улуши 24,1 фоиздан 29,7 фоизгача кўпайди (республика бўйича 53 фоиздан 54 фоизга). Юқори технологик хизматлар қаторида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари энг жадал ривожланмокда, бундай хизматлар охириги беш йилда 4,7 баравар (республика бўйича 3,3 баравар), ҳисобот йилида эса – 27,5 фоизга ўсди (республика бўйича 24,5 фоиз).

2008-2014 йиллар давомида 7000 тага яқин хизмат кўрсатиш ва сервис объектлари ишга туширилди. Шундан 2950 та объектни савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ташкил этган бўлса, 4030 таси бошқа турдаги хизмат кўрсатиш корхоналарига тўғри келди.

Ҳозирги кунда вилоятда 31 мингдан ортиқ хизмат кўрсатиш шахобчалари мавжуд бўлиб, улардан 11,5 мингтаси турғун савдо мажмуалари, 1,5 мингтаси умумий овқатланиш, 869 таси молиявий хизмат кўрсатиш шахобчалари, 16 минтадан ортиқ маиший ва бошқа турдаги хизмат кўрсатиш шахобчалари фаолият кўрсатмокда.

Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида 50 тага яқин “Ўзгар типидagi савдо ва хизмат кўрсатиш” мажмуалари (тикувчилик, гўзаллик салони,

компьютер хизмати, телерадио аппаратураларни таъмирлаш, пайнет хизмати, савдо дўкони, кафе бар, суғурта хизматлари, пойафзал таъмирлаш, автомобилларга хизмат кўрсатиш ва бошқалар) ташкил этилиб, 1000 дан ортиқ кишининг бандлиги таъминланди.

Вилоятда кейинги 7 йилда янги, замонавий хизмат турларини ўз ичига олган компьютерли программалаштириш хизмати, алоқа ва ахборотлаштириш хизмати, молия хизмати, туристик хизматлар каби хизмат соҳаларининг тез суръатларда ўсиб бораётганлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Жумладан, алоқа ва ахборотлаштириш хизмати 12,5 мартага, компьютерли программалаштириш хизматлари 4,0 мартага, молия хизмати 4,3 мартага, туристик хизматлар 8,7 мартага, савдо ва маиший хизматлар 6,5 мартага, технологик ускуналарни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш хизматлари 2,5 мартага ошди.

Вилоятда Интернет хизматидан фойдаланувчилар сони 2007 йилда 202 минг тани ташкил этган бўлса, 2015 йил 1 январ ҳолатида келиб фойдаланувчилар сони 440 минг тадан зиёдни ташкил этади. Интернет тармоғига юқори тезликда уловчи ускуналарнинг абонент нуқталари сони йил бошига нисбатан 6827 тага оширилиб, жами 26304 тани (135,1%) ташкил қилган.

Вилоятда жами 156 та ахборот-ресурс марказлари бўлиб, шундан Олий таълим муассаларида 4 та, вилоят халқ таълими тизимида 16 та, академик лицейларда 7 та, касб-ҳунар коллежларида 129 та ташкил этади.

“ZiyoNet” таълим тармоғига 1285 та таълим муассаларидан 763 тасига (59,4 %) хусусан, мактабларнинг 59,3%, коллежларнинг 63,5 %, лицейларнинг 71,4 % мазкур тармоққа уланган, вилоят кутубхонаси ҳам тармоғига уланган.

Экспорт ва қўшма корхона соҳасида, Вилоятда 2008-2014 йиллар мобайнида хорижий инвесторлар иштирокида 36 та қўшма корхоналар

фаолияти йўлга қўйилди. Ушбу қўшма корхоналарнинг 10 таси қурилиш материаллари, 4 таси енгил саноат, 8 таси қишлоқ хўжалиги, электротехника саноати, нефтгаз, чарм пойабзал тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш соҳаларида 1 тадан, ҳамда 9 таси хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириш бўйича ташкил этилди.

Натижада вилоятдаги қўшма корхоналар сони 54 тага етди. Мазкур корхоналарнинг вилоятда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларидаги улуши 2014 йил якуни билан 10 фоизни ташкил этди.

3. Вилоят ижтимоий соҳа тармоқларини модернизациялашда инвестициялар жалб қилишнинг шарт-шароитлари ва фойдаланиш самарадорлигининг таҳлили

Иқтисодиёт тармоқлари ва корхоналарни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш орқали ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантириш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг стратегик вазифаси бўлиб қолмоқда. Вилоят ижтимоий соҳа тармоқларини модернизациялашда инвестициялар жалб қилишнинг шарт-шароитлари ва фойдаланиш самарадорлиги ўрганилганда бир қанча ижобий натижалар олиш мумкин.

Шу билан бир вақтда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришга қаратилган ислохотларни янада чуқурлаш-тириш ва Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш ва мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган таркибий ўзгаришлар ва юксак технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларини жадал ривожлантириш сиёсати жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган ҳозирги даврда ҳам асосий устувор йўналиш сифатида давом эттиришни, бу ўринда ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ва мамлакатимиздаги хом ашё ва ресурсларга бой мавжуд манбалардан оқилона

фойдаланиш асосида юқори кўшимча қийматга эга бўлган юксак технологик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлайдиган истиқболли иқтисодий тармоқларини ривожлантириш, мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиш йўлида ғов бўлиб турган муаммоларни ечиш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишни талаб қилади⁷.

Мамлакатимизда юқори иқтисодий ўсиш суръатлари, авваламбор мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб бозор ислохотларини чуқурлаштириш, иқтисодий эркинлаштириш ва модернизация қилиш ҳамда таркибий ўзгартиришларни изчил ва мутаносиб амалга ошириш орқали таъминланмоқда. Бунда мамлакатда қабул қиинган Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган асосий вазифаларни оғишмай амалга оширишни таъминлаш ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Шу ўринда мамлакатимиз иқтисодий ривожлантиришнинг ўзига хос учта манбаини ажратиш ўринлидир. Биринчиси – республикада юксак технологияларга асосланган саноат тармоқларини ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантириш; иккинчиси – аграр секторни сифат жиҳатидан таркибий ўзгартириш ва модернизация қилиш ҳамда учинчиси – аҳоли бандлиги ва оила даромадини кўпайтиришнинг муҳим манбаи сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг фаол ривожланишини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш сиёсатини олиб бориш.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодийнинг етакчи тармоқларини жадал янгिलाш мамлакат учун энг муҳим устувор вазифа сифатида изчил давом эттирилмоқда. Бунинг натижасида мамлакатимиз иқтисодийга маҳаллий чет эл валюталарида жалб этилган жами инвестицияларни жалб қилиш ҳажми ошиб бормоқда. Масалан, биргина Қашқадарё вилоятида 2014 йил январь-декабрь ойида вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 3944448,9 млн. сўм миқдорида инвестициялар киритилди ва ўсиш суръати ўтган йилнинг шу

⁷ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгिलाш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. –Т.: Ўзбекистон, 2005.

даврига нисбатан 105,6 фоизни ташкил қилди. Агар биз вилоятимизда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг кейинги 6 йил давомидаги ўзгариш динамикасини таҳлил қилмоқчи бўлсак, (жорий нархларда, млрд. сўм) 2.5-жадвал маълумотларидан фойдаланамиз.

2.5-жадвал

Қашқадарё вилоятида асосий капиталга киритилган инвестициялар динамикаси, жорий нархларда, млрд. сўм

Йиллар	Асосий капиталга киритилган инвестициялар, (млрд. сўм)	Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш (%)
2009	1320,9	104,0
2010	1526,6	103,8
2011	1899,2	104,5
2012	2473,2	105,2
2013	3012,9	107,0
2014	3944,5	106,1

Манба: Вилоят Иқтисодиёт Бош бошқармаси маълумоти

2.6-жадвал

**Қашқадарё вилоятида 2014 йилда молиялаштириш манбаалари бўйича асосий капиталга киритилган
инвестицияларнинг тақсимланиши**

	Жамига нисбатан таркиби, млн. сўм						
	Жами инвести- циялар, млн. сўм	республика бюджети	корхоналар ва аҳоли маблағлари	чет элинвес- тициялари ва кредитлари	банк кредитлари ва бошқа қарз маб- лағлари	бюджетдан ташқари фондлар маб-лағлари	тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари
Жами	3944448,9	92419,7	2059233,6	846542,6	224219,4	242822,8	479210,8
шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:							
давлат	1170136,5	92419,7	-	355683,2	-	242822,8	479210,8
нодавлат	2774312,4	-	2059233,6	490859,4	224219,4	-	-

Манба: Вилоят Иқтисодиёт Бош бошқармаси маълумоти

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, вилоятда асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми кейинги олти йил ичида ўсиш тенденциясига эга бўлиб, унинг таркибида ҳам ўзгариш кузатилмоқда яъни, мулкчилик шакллари бўйича инвестициялар миқдорида нодавлат мулкчилик шаклига киритиладиган инвестицияларнинг миқдори давлат мулкчилигига нисбатан тез ўсмоқда. (2.7-жадвал)

2.7-жадвал

Қашқадарё вилоятида мулкчилик шакллари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши таркиби , %.

Кўрсаткичлар	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2014 йил 2011 йилга нисбатан % ҳисобида
Асосий капиталга киритилган инвестиция	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Давлат мулки	40,4	41,4	36,2	32,6	80,7
Нодавлат мулк	59,6	58,6	63,8	67,4	113,0

Манба: Вилоят Иқтисодиёт Бош бошқармаси маълумоти


Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2014 йилда жами асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 32,6 фоизи давлат мулки улушига тўғри келган. 2011 йилда эса бу кўрсаткич 40,4 фоизни ташкил қилган ва 2014 йил 2011 йилга нисбатан 19,3 фоизга камайган, нодавлат мулкчилик шаклига тўғри келадиган инвестициялар 2014 йилда 67,4 фоизни ташкил қилиб, 2011 йилга нисбатан 13,0 фоизга ўсган. Бу шундан далолат берадики, вилоятда нодавлат мулкчилик шаклида фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектлар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодиётни шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислохотлар ўз натижаларини намоён этмоқда. Жумладан, қисқа вақт ичида иқтисодиётда чуқур таркибий

Ўзгаришларни амалга ошириш, бу борадаги саъй-ҳаракатларни изчил давом эттириш, аҳоли даромадларининг ўсишини таъминлаш, самарали ташқи савдо ҳамда инвестиция жараёнларини кучайтириш, ва соҳани диверсификациялаш, бунда биринчи навбатда, халқаро сифат стандартларига жавоб берадиган, ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган энг муҳим тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш йўлидан бориб, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки ишлаб чиқариш соҳаси ривожланмаган давлат барқарор иқтисодий ривожланиш имкониятига эга бўла олмайди. Вилоятда ишлаб чиқариш тармоғини ривожлантиришга катта имкониятлар ва заҳиралар мавжуд бўлиб, улардан оқилона фойдаланиш зарур бўлади. Агар биз вилояи иқтисодиётининг иқтисодиётнинг айрим тармоқларида инвестицияларни ўзлаштиришни таҳлил қилмоқчи бўлсак 2.4-диаграмма маълумотларидан фойдаланамиз.

2.4-диаграмма

Ўзлаштирилган инвестициялар технологик таркиби умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида.



Диаграмадан кўриниб турибдики, 2014 йилда асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажмининг 49,4 % курилиш ва

монтаж ишларига, 25,6 фоизи машина ва дастгоҳлар сотиб олишга ва 25,0 фоизи бошқа мақсадларга сарфланган.

Ижтимоий соҳа объектларини қуриш бўйича ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 551878,2 млн. сўм ёки 67,7 фоизи уй-жой қурилишида ўзлаштирилган. 2014 йил январь-декабрь ойларида умумий майдони 930,5 минг кв.м. бўлган 6162 та уй-жой (ўтган йилга нисбатан 104,9 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 651,2 минг кв.м. (ўтган йилга нисбатан 98,2 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди.

Болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш ва қайта таъмирлашда 10598,7 млн. сўм инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 1,3 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 20,1 фоизини ташкил қилди.

Умумтаълим мактабларини қуриш ва қайта таъмирлашда 30851,5 млн. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 3,8 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 58,5 фоизини ташкил қилди.

Касалхоналар объектларини қуриш ва қайта таъмирлашда 13438,8 млн. сўм инвестициялар ўзлаштирилди, бу эса ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 1,6 фоизини ва соғлиқни сақлаш соҳасига киритилган инвестицияларнинг 30,1 фоизини ташкил қилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига 8144,6 млн. сўм, шундан 8144,6 млн. сўм бюджет маблағлари ҳисобидан (умумий ҳажмидан 100,0 фоизи) инвестициялар ўзлаштирилди.

Инвестицияларнинг иқтисодий моҳиятидан маълумки, улар иқтисодиётнинг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш суръатлари ва кўламига бевосита таъсир этади, илмий-техникавий асосдаги тараққиётини таъминлайди, аҳоли бандлигини янада оширади. Бунга сабаб иқтисодиётдаги институционал ўзгаришлар, ишлаб чиқариш кучларининг рационал жойлаштирилиши ва ривожланиши кўпинча инвестицион фаолликка боғлиқлиги. Янги ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий

фондларни яратиш ҳамда уларнинг амалда фаолият юритадиганларини кўллаб-қувватлаш ҳам инвестиция асосида амалга оширилади.

“Инвестицион фаоллик” ва “инвестиция фаолияти” тушунчаларини бир-биридан фарқлаш лозим.

Биринчидан, инвестиция фаолияти инвестицияларни рўёбга чиқариш бўйича амалий ҳаракатларни, яъни инвестицион ресурсларни шакллантириш, уларни жойлаштириш ва самарали ишлашини таъминлаш жараёнларини ифодалайди. Инвестицион фаоллик эса, бундан фарқ қилиб, ана шу жараёнларни амалга оширишнинг сифат жиҳатларини акс эттиради.

Инвестицион фаолликни иқтисодиётнинг турли даражаларида амал қилишига кўра, қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

- 1) миллий иқтисодиёт даражасидаги инвестицион фаоллик;
- 2) муайян минтақа даражасидаги инвестицион фаоллик;
- 3) алоҳида хўжалик субъекти (корхона, бирлашма ва ҳоказо.) даражасидаги инвестицион фаоллик.

Мазкур даражалардаги инвестицион фаоллик мақсади, асосий белгилари ва сабаблари жиҳатидан фарқланади. Ушбу мақолада асосан миллий иқтисодиёт даражасидаги инвестицион фаолият тўғрисида фикр юритамиз.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек: “Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий тизими билан интеграциялашувига эришмасдан туриб, ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтирмасдан туриб, энг муҳими, инвестицияларни мамлакат иқтисодиётига жалб этмасдан туриб, банк ва молия соҳаларида, реал иқтисодиётда, биринчи галда етакчи тармоқларда чет эл капиталининг иштирокини кенгайтирмасдан туриб, иқтисодиётимизнинг барқарор тараққиётини таъминлаш қийин”⁸. Шу боисдан ҳам мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб инвестициянинг муҳим тури бўлган чет эл инвестицияларини

⁸ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. –Т.: Ўзбекистон, 2000. 366-б.

иқтисодиёт соҳасига жалб қилишга катта эътибор берилди. Бу жараён Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган қуйидаги тамойилларга асосланмоқда:

- биринчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат юритиш;
- иккинчидан, мамлакатимиз иқтисодиётига капитал маблағни бевосита кенг жалб этишни таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни тобора такомиллаштириб бориш;
- учинчидан, энг замонавий технологияни етказиб бераётган, иқтисодиётнинг замонавий таркибий тузилишига эга бўлиш учун кўмаклашаётган хорижий сармояларга кенг йўл очиб бериш сиёсатини изчиллик билан ўтказиш;
- тўртинчидан, маблағларни мамлакатимиз мустақиллигини таъминлайдиган ва рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор йўналишларда жамлаш.

Мамлакатимизда инвестицияларни жалб этиш, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳал қилувчи устувор йўналишга айланди.

Ҳозирги босқичда Ўзбекистондаги энг муҳим вазифа – иқтисодий барқарорлаштириш сиёсатини иқтисодий ўсиш сиёсати билан боғлаш бўлиб, бу инвестиция фаолиятини кучайтиришни талаб қилади. Ушбу масаланинг ҳал қилиниши молиявий-иқтисодий қийинчиликларни енгишга, мамлакат иқтисодиётини кенг кўламда таркибий қайта қуришга, бирламчи бошқариш тузилмаларида қулай ишлаб чиқариш муҳитини яратиш муаммосини ҳал қилишга, аҳоли турмуш даражасини оширишни таъминлашга имкон беради. Инвестиция жараёнларини фаоллаштириш вазифаси тартибга солувчи тегишли воситаларни шакллантиришдан

иборат бўлиб, бу воситаларсиз бозор муносабатларини ривожлантириш сари табиий ҳаракатни амалга ошириб бўлмайди.

Бозор иқтисодиётига ўтилаётгани сари мамлакатимизда иқтисодиётга жалб қилинаётган инвестиция таркиби, инвестицион сиёсатни амалга ошириш жараёнлари тубдан ўзгариб бормокда. Ўзбекистон иқтисодиётидаги учун бундай ўзгаришлар чуқур илмий тадқиқот ишларини олиб боришни ва бу масала юзасидан аниқ чоратadbирлар ишлаб чиқишни талаб қилади.

Инвестицион сиёсат ва уни бошқариш жараёнида муҳим омиллардан яна бири бозор муносабатларининг ривожланганлик даражаси ва макроиқтисодий барқарорликдир. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш; давлат бюджети тақчиллигини камайтириш, иқтисодий ўсишнинг базавий соҳаларини вужудга келтириш ва ривожлантириш; банк тизимини янада такомиллаштириш бўйича катта имкониятларни яратади.

Шу сабабдан, ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган инвестицион сиёсатни амалга ошириш ва бошқаришнинг методологик асосларини ишлаб чиқиш, ўрганиш, амалиётга татбиқ қилиш ва такомиллаштириш юзасидан таклифлар бериш назариётчи-иқтисодчилар учун долзарб вазифага айланди. Унутмаслик керакки, инвестиция соҳаси ҳозирги шароитда бозор иқтисодиётининг миллий ва жаҳон даражасисиз мавжуд бўлиши мумкин эмас. Хорижий инвестициялардан фойдаланиш мамлакат иқтисодиётининг халқаро меҳнат тақсимотидаги иштироки ва тадбиркорликнинг эркин тармоқларига капитал оқиб ўтиши тизими билан шартланган объектив зарурат ҳисобланади. Шунинг ҳам алоҳида қайд этиш муҳимки, инвестиция сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий кафолатланган шароитдагина самарали натижа бериши мумкин. Айниқса, бозор муносабатларига ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатларда давлат инвестиция жараёнининг бош ташкилотчиси ва ижтимоий сиёсат нуқтаи назаридан бош инвестор бўлиши зарур.

Мамлакатни модернизациялаш шароитида инвестиция фаолиятининг мақсади тадбиркорлик даромади ёки фоизни олиш ҳисобланади. Инвестициялар қайси соҳа ёки объектга қўйилиши ҳамда капиталнинг ишлаб чиқаришдаги иштирокидан келиб чиққан ҳолда молиявий ва реал инвестицияларга бўлинади. Шунингдек, баъзи манбаларда молиявий инвестиция қимматли қоғозлар балан боғлиқ бўлган операцияларни ўз ичига олувчи халқаро молия-кредит фаолияти сифатида кўрсатилади. Фикримизча, бу жараёнга фақат халқаро даражадаги фаолият сифатида қаралиши нотўғри.

Молиявий инвестициялардан фаркли ўлароқ, реал инвестициялар асосий капитал ҳамда материал ишлаб чиқариш захираларининг ўсишига қўйилмани акс эттиради.

Ривожланган мамлакатларда реал инвестицияларнинг аксарият қисмини хусусий инвестициялар ташкил этади. Иқтисодиётнинг давлат секторида капитал реал инвестициялар орқали, шунингдек, кредит, субсидиялар бериш йўли билан иқтисодий тартибга солиш сиёсати асосида қўйилади. Давлат инвестициялари энг аввал инфратузилма тармоқларига йўналтирилади.

Шундай экан вилоятимиз иқтисодиёти тармоқларига инвестицияларни жалб қилишда қуйидагиларга эътиборни қаратиш зарур:

- банклар, инвестиция фондлари, суғурта ва лизинг компаниялари фаолиятини рағбатлантириш ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда уларнинг иштирокини самарали йўлга қўйишга;

- вилоятда консалтинг, маркетинг ва юридик хизмат кўрсатувчи марказлар ташкил этиш ва улар фаолиятини ривожлантиришга;

- ташаббускорларга инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишда тижорат банклари, ҳудудлардаги савдо-саноат палатаси ва бошқа масъул идоралар томонидан амалий ёрдам кўрсатилишини маҳаллий ҳокимликлар томонидан ташкил этиш ва доимий назоратга олишга;

- инвестиция дастурлари ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурларга киритиш таклиф этилаётган лойиҳалар ташаббускорларининг молиявий-иқтисодий аҳволи маҳаллий ҳокимликлар ва тижорат банклари томонидан чуқур таҳлил қилинишига;

- хорижий инвесторларни тўлақонли равишда ахборот (инвестиция лойиҳалари ва бизнес таклифлар базаси, ҳудудий матбуот нашрлари, иқтисодий таҳлил, хомашё ва меҳнат салоҳияти тўғрисида маълумотлар) билан таъминлаш учун ҳар бир ҳудуд бўйича “Вилоят инвестиция салоҳияти” вэб-порталини ташкил этишга;

- корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволини ўрганиб чиқиб, уни молиявий соғломлаштириш, қарзларини реструктуризация қилиш бўйича ҳамкорлик кўрсатиш орқали 2015-2020 йилларга мўлжалланган экспорт истикболини бажаришга амалий ёрдам кўрсатишга;

- ишлаб чиқариш кучларини рационал жойлаштириш ва хом-ашё базаси билан боғлиқ масалаларни лойиҳа ташаббускорлари билан бирга ишлаб чиқиш;

- экспортёр корхоналарни узлуксиз равишда электр энергияси ва табиий газ билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишга;

- технологик асбоб-ускуналарни замонавийлаштириш мақсадида халқаро кўргазма-савдоларда иштирок этиш, тежамкор технологияларни танлаш ва молиялаштириш манбаларини аниқлашга;

- ўрта ва кичик бизнес субъектларининг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳияти, маркетинг ва маҳсулотларни сотишга бағишланган ўқув машғулотлари, семинарлар ва кўргазмаларни ташкил этишни йўлга қўйишга.

Инвестиция жараёнларини кучайтиришга қаратилган ушбу чора-тадбирлар вилоят иқтисодиётидаги муҳим таркибий ўзгаришларни изчил амалга ошириш имкониятларини кенгайтиради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ижтимоий-иқтисодий ривожланишида нафақат ички инвестициялар балки хорижий инвестициялар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

II боб бўйича хулоса

Иқтисодиёт тармоқлари ва корхоналарни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш орқали ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантириш мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг стратегик вазифаси бўлиб қолмоқда. Вилоят ижтимоий соҳа тармоқларини модернизациялашда инвестициялар жалб қилишнинг шарт-шароитлари ва фойдаланиш самарадорлиги ўрганилганда бир қанча ижобий натижалар олиш мумкин.

“Инвестицион фаоллик” ва “инвестиция фаолияти” тушунчаларини бир-биридан фарқлаш лозим.

Инвестиция фаолияти инвестицияларни рўёбга чиқариш бўйича амалий ҳаракатларни, яъни инвестицион ресурсларни шакллантириш, уларни жойлаштириш ва самарали ишлашини таъминлаш жараёнларини ифодалайди. Инвестицион фаоллик эса, бундан фарқ қилиб, ана шу жараёнларни амалга оширишнинг сифат жиҳатларини акс эттиради.

Инвестицион фаолликни иқтисодиётнинг турли даражаларида амал қилишига кўра, қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

- 1) миллий иқтисодиёт даражасидаги инвестицион фаоллик;
- 2) муайян минтақа даражасидаги инвестицион фаоллик;
- 3) алоҳида хўжалик субъекти (корхона, бирлашма ва ҳоказо) даражасидаги инвестицион фаоллик.

Мазкур даражалардаги инвестицион фаоллик мақсади, асосий белгилари ва сабаблари жиҳатидан фарқланади.

III боб. Қашқадарё вилоятида ижтимоий соҳа тармоқларига инвестицияларни жалб қилиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари

1. Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришда инвестициявий жозибадорликни оширишнинг ижтимоий соҳа тармоқларига таъсирини кенгайтириш йўллари

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай макроиктисодий ва ҳуқуқий муҳитнинг яратилиши, иқтисодиётнинг барча секторларидаги ижобий институционал ва таркибий ўзгаришлар мамлакатимизни модернизациялашни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашнинг пойдевори ҳисобланади.

Макроиктисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш бевосита инфляция, солиқлар ва кредитлар каби регуляторлар ва механизмлар билан боғлиқ. Марказий банк йиллик инфляция даражасини 6-7 фоиз атрофида чеклаб туришни мўлжалламоқда.

Иқтисодиётни ривожлантиришда банк секторини ривожлантириш муҳим рол ўйнашини ҳисобга олган ҳолда, банк-молия тизимидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш юзасидан бир қатор тадбирларни амалга ошириш белгиланган. Энг аввало, аҳолининг ва тадбиркорларнинг банкларга бўлган ишончини ошириш, банклараро бозорда рақобат муҳитини шакллантириш, банклар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш ва уларнинг янги турларини ривожлантириш, микрокредитлар берилишини сезиларли даражада кенгайтириш кўзда тутилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун микрокредит беришни жадал ривожлантириш мақсадида барча ҳудудларда филиаллари бўлган ихтисослаштирилган банк ташкил этилди.

Иқтисодиётда барқарор ўсишни таъминлаш кўп жиҳатдан таркибий ўзгаришларнинг аниқ натижаларига боғлиқдир. Бу ерда асосий ўринни хусусий мулкдорлар сафини кенгайтириш, ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш, кичик тадбиркорлик ва фермер хўжаликларини ривожлантириш эгаллайди.

Президентимиз таъкидлаганидек: “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида ўтган йили, фермер ва деҳқон хўжаликларини ҳисобга олмаганда, 20 мингдан зиёд янги кичик бизнес субъектлари ташкил этилди, уларнинг умумий сони эса 195 мингдан зиёдни ташкил этди. Бу 2000 йилга нисбатан 2 баробар кўпдир.

Ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг улуши 2000-йилдан буён 31 фоиздан 56 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 12,9 фоиздан 31,1 фоизга ўсди”⁹.

Йирик корхоналарни, айниқса бозорда монополистик мавқени эгаллаб турган корхоналар “Ўзқишлоқхўжаликхолдинг”, “Ўзбекэнерго”, “Ўзбекистон темир йўллари”, “Ўзбекнефтгаз” ва бошқаларни хусусийлаштиришни жадаллаштириш юзасидан кескин чоралар кўрилиши мўлжалланган хусусийлаштириш бўйича давлат Дастури ишлаб чиқилди ва амалга оширилди.

Бизнес учун қулай муҳит яратиш мақсадида тадбиркорлик субъектлари учун жарима санкцияларини камайтиришни кўзда тутадиган қонунчиликни такомиллаштириш, тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга янада кўпроқ эркинлик беришга қаратилган суд ислохотларини чуқурлаштириш, тадбиркорларнинг давлат бошқаруви ва бозор институтларида турли маъмурий расмийатчиликларни амалга оширишдаги харажатларини камайтириш,

⁹ И.А.Каримов. “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир”. // “Халқ сўзи” 17.01.2015

бериладиган лицензиялар ва рухсат берувчи тартиб-қоидалар ҳамда хужжатлар рўйхати кескин қисқартирилди. Кичик тадбиркорлик соҳасини янада ривожлантириш ва унинг ЯИМ даги улушини ошириш мўлжалланганлигидан келиб чиққан ҳолда ширкат хўжаликлари тугатилиб, фермер хўжаликларига айлантириш жараёнини тугалланди.

Иқтисодийни модернизациялаш ва тузилмавий силжишлар экспортни рағбатлантириш ва экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни ривожлантиришга шароит яратиши лозим. Бу ерда товар ва хизматларни ташқи бозорда муваффақиятли сота оладиган махсус ташқи савдо ташкилотларини ривожлантириш, сифатни бошқаришнинг халқаро тизимини амалиётга татбиқ этиш йўли билан товарлар рақобатбардошлигини ошириш, экспортга чиқарилаётган юкларга транспорт хизмати кўрсатиш самарадорлигини ошириш, божхона кодексининг янги таҳририни ишлаб чиқиш вазифалари амалга оширилди. Иқтисодий ислохотлар сафига ҳудудларни, айниқса, қишлоқ жойларда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлари кўллаб-қувватлаш ҳам кўшилган. Бунда ҳудудларнинг табиий ва иқтисодий салоҳиятидан оқилона фойдаланишни кўзда тутган ҳолда саноат корхоналарини жойлаштириш ва ривожлантириш кўзда тутилган. Бу масалани ҳал этиш учун замонавий ишлаб чиқариш мавжуд бўлмаган аҳоли пунктларида кичик саноат корхоналари ёки йирик корхоналарнинг шўъба корхоналарини ташкил этиш, уларга имтиёзлар беришни кўзда тутувчи махсус дастур ишлаб чиқилди. Бундан кўзланган мақсад, саноатни ривожлантиришда ҳудудларда фарқланиш даражасини камайтириш ва меҳнат ресурсларининг ҳудудий бандлигини таъминлашдир.

Барча иқтисодий ислохотлар негизида кучли ижтимоий сиёсат устувор масала бўлиб қолаверади. Бунда биринчи ўринга аҳолини иш билан тўларок таъминлаш ва шу асосда уларнинг даромадини ошириш ва турмуш даражасини кўтариш чиқади. Шу мақсадда касаначилик, оилавий бизнес, кичик хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳасини

ривожлантириш, микрокредитлаш тизимини рағбатлантириш, фермер ва деҳқон хўжаликларида қорамоллар сонини кўпайтиришга йўналтирилган бир қатор дастурларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Иқтисодиётни модернизациялаш ва тузилмавий силжишларнинг амалга оширилишининг яна бир мақсади бу иш ҳақини ва аҳоли даромадини ошириш учун шароит яратишдан иборат. 2014 йилда бюджет ташкилотлари ходимлари иш ҳақи миқдори оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек: “Иқтисодиётимизнинг жадал ва мутаносиб ривожланиб бораётгани аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини изчил ошириш учун мустаҳкам замин яратмоқда. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар ҳажми ўтган йили 23,2 фоизга ошди. Аҳолининг жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар эса 10,2 фоизга кўпайди.

Аҳоли даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромадлар улуши тобора ортиб бормоқда. Мустақиллик йилларида бу борадаги кўрсаткич 10,6 фоиздан 52 фоизга ўсди. Бу Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги энг юқори кўрсаткичлардан биридир”¹⁰.

Уй-жой ва коммунал хизмат кўрсатиш хўжалигидаги ислохотларни чуқурлаштириш уй-жой мулкдорлари ширкатларини мустаҳкамлаш, коммунал ва таъмирлаш хизматлари реал бозорини шакллантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Натижада Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Фуқароларимизнинг уй-жой шароитлари ҳам тубдан яхшиланиб бормоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида

¹⁰ И.А.Каримов. “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир”. // “Халқ сўзи” 17.01.2015

уй-жойлар куриш суръати ва кўлами йил сайин кенгаймоқда. Мустақиллик йилларида уй-жой фондининг умумий майдони 1,9 баробар ошди.

Аҳоли сони кўпайиб бораётганига қарамасдан, одамларни уй-жой билан таъминлашда жон бошига тўғри келадиган уй-жой майдонини 12,4 квадрат метрдан 15,4 квадрат метрга оширишга эришилди. Уй-жой фондининг деярли барчаси хусусий мулк сифатида аҳоли тасарруфида эканини айтиш лозим. Ваҳоланки, кўплаб ривожланган давлатларда оилаларнинг ярмидан кўпи ижарага олинган хонадон ва уйларда яшайди”¹¹.

Ривожланган хорижий давлатлар амалиёти шуни кўрсатадики кичик ва ўрта бизнес корхоналари иқтисодий конъюктуранинг ўзгаришларига тез мослама оладиган янги техника ва технологияларни доимий равишда доимий талаб қиладиган, меҳнат унумдорлиги юқори бўлган хўжалик субъектлари ҳисобланади. Уларга хос бўлган ушбу хусусиятлари кичик ва ўрта бизнес корхоналари иқтисодий ўсишига уларнинг аҳоли бандлигини таъминлашдаги мавқеи ошишига олиб келди. Мамлакатимизда ҳам кичик ва ўрта бизнес корхоналари фаолиятини, ривожлантириш ҳукуматнинг иқтисодий сиёсатининг асосий, устувор йуналишларидан бири ҳисобланади, ва республикаимизда чет эл инвестицияси киритилган корхоналар сони кўпаймоқда.

Ўзбекистон ҳукуматининг инвестиция дастурида кичик бизнес ва хусусий корхоналарини ривожлантиришга уларнинг кредит лийиялари ҳисобидан молиялаштиришни кенгайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Аммо кичик бизнес ва хусусий корхоналарида инвестиция жараёнларини чуқурлаштириш борасида қуйидаги жиддий муаммолар мавжуд:

¹¹ И.А.Каримов. “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир”. // “Халқ сўзи” 17.01.2015

- кичик ва ўрта бизнес корхоналарини экспорти-импорт операциялари, хорижий капитал ва кредитлар билан боғлиқ операцияларини ташкил қилувчи ва амалга оширувчи менежерлар ва ходимларнинг малакаси пастлиги, АҚШдаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари фаолиятини таҳлил қилиш натижалари улар муваффақиятсизлигини 92 фоиз бошқарув сифатининг пастлиги билан боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Ушбу муаммонинг нозик жиҳати шундаки, халқаро операцияларни амалга ошириш ўзига хос мураккабликларга эга. Масалан, кичик тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий корхоналарнинг тўлов мажбуриятлари юзасидан қўйиладиган ҳужжатлаштирилган аккредитивлар йирик тижорат банклари томонидан тан олинмаслиги мумкин. Кичик бизнес ва хусусий корхоналарининг аксариятида умумий пул оқими заифлиги натижасида уларнинг тўловга қобиллик даражаси паст бўлади. Бу корхоналарнинг тижорат банклари кредитларидан, хорижий ташкилотлар кредит линияларидан фойдаланишларига экспорт-импорт операцияларини амалга оширишларига тўсқинлик қилмоқда. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий корхоналарига тижорат банклари томонидан халқаро ҳисоб-китоб хизмати кўрсатишда ҳам жиддий муаммолар мавжудлиги сезилмоқда.

Ушбу муаммоларнинг моҳияти шундаки, корхоналар импорт тўловини амалга оширишда таъминланган аккредитивлардан кенг кўламда фойдаланмоқда. Бунда аввало, асосий ҳисоб китоб шакли бўлган ҳужжатлаштирилган аккредитивларга жиддий эътибор қаратилмоғи лозим. Республикамиз тижорат банклари кичик бизнес ва хусусий корхоналарнинг тўлов мажбуриятлари бўйича жавобгарликни ўз зиммасига олиши ва бунинг учун тегишли комиссиян тўлов ундиришлари лозим. Чунки, хорижий товар етказиб берувчи корхоналар учун тўловнинг қафолатлангаилиги асосий омил ҳисобланади.

Миллий банкнинг бош кредит бошқармаси айрим давлат корхоналарининг хужжатлаштирилган аккредитив бўйича тўлов мажбуриятларини банк кредитлари ҳисобидан тўплашни амалга оширади.

Республикамизда ҳам кичик бизнес ва хусусий корхоналарининг хужжатлаштирилган аккредитивлар бўйича тўлов мажбуриятлари банклар ҳисобидан тўланиши ушбу корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантиришга кучли тўртки беради.

Кичик бизнес ва хусусий корхоналарининг инвестицион мақсадлар учун кредитлар олиш имкониятини ошириш мақсадида ҳукумат кафолатини жорий этиш лозим.

Ривожланган хорижий давлатларда кичик бизнес ва хусусий корхоналарнинг банк кредитларини олиш имкониятини ошириш мақсадида ҳукумат банклари мазкур корхоналар учун катта миқдорда кафолат берилмоқда. Республикамизда ҳам ҳукумат кафолатларини аккредитивлар шаклидаги тўлов мажбуриятлари беришни ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

2. Ҳудудларда инвестиция жозибадорлигини ошириш ва уларни баҳолаш услугиётини такомиллаштириш

Мамлакатимиз иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва ҳудуд корхоналарининг инновацион фаолиятини жадаллаштириш, модернизациялаш шароитида эса инвестицияларни самарали бошқариш ва бу борадаги вазифаларни изчил амалга ошириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Иқтисодиётга жалб қилинган инвест-ициялар ҳажми ҳақида республика Президенти И.А.Каримов: “Ўтган йилда иқтисодиётимизга 11 миллиард 700 миллион доллар миқдорида ички ва хорижий инвестициялар жалб этилди ёки бу борадаги кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 14 фоизга ўсди. Жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2 миллиард 500 миллион

доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди, улар-нинг 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир”¹² деб таъкидлаб ўтдилар.

Барчамизга маълумки, ҳар қандай инвестор ўз капитал кўйилмаларининг ишонч-лилиги ва самадорлиги юқори бўлишидан манфаатдордир. Шунинг учун инвестицион жараёнларни бошқариш инвестициялаш объектларининг эгалари ва инвесторларнинг объектив манфатларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилса, кўзланган самарага эриши-лади. Бу борада мамлакатимизда чет эллик инвесторнинг Ўзбекистонда олган даромадларини қайтадан инвестиция сифатида киритиш бўйича ҳеч қандай чекловлар йўқ чет эллик инвесторнинг даромади, унинг хоҳишига кўра, ҳар қандай шаклда ишлати-лиши мумкин.

Мазкур қонунга мувофиқ, юртимизда чет эл инвестициялари ва хорижий инвесторларнинг бошқа активлари халқаро ҳуқуқда қабул қилинган умумий ҳолатларни мустасно этганда, национализация қилинмаслигига яна бир бор эътибор қаратиш ўринлидир. Зеро, 2013 йилги Инвестиция дастури тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг қарорида: “Янги замонавий ишлаб чиқаришларни қуришга, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга, тран-спорт, муҳандислик-коммуникация ҳамда ижтимоий инфратузилмаларни жадал ривожлантиришга йўналтирилган стратегик аҳамиятга эга инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни таъминлаш ва бунинг негизида янги иш ўринларини яратиш, мамлакат иқтисодиётини барқарор – ривожлантиришга эришиш мақсад қилиб белгилаб олинган”¹³.

Ўзбекистонда 2012 йилда мамлакати-мизнинг инвестициявий жозибадорлигини янада яхшилашга йўналтирилган бир қатор қўшимча

¹² И.А.Каримов. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.// Т.: Ўзбекистон, 2011. – 32 б.

¹³ И.А.Каримов. “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” Халқ сўзи газетаси, 18.01.2014

муҳим қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқий нормалар қабул қилинди. Иқтисодийга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва уни рағбатлантириш борасида кўплаб иқтисодчи олимлар тадқиқот олиб боришган ва ўз муаллифлик ёндошувларини билдиришган. Улардан бири А. Ваҳобов фикрига кўра: “Ҳозирги даврда жаҳон инвестицияси муҳитида кескин ўзгаришлар юзага келаётган бир шароитда молиявий ресурслар халқаро ҳаракати янгича хусусият касб эт-моқда. Бундан кўриниб турибдики, бугунги кунда хорижий инвестициялар бутун дунё мамлакатлари томонидан юксак иқтисодий тараққиётга эришишнинг муҳим омили сифатида қараб келинмоқда”¹⁴ деб таъкидлаган.

Бу борада мамлакатимиз раҳбари “Биз мамлакатимизда хорижий инвесторлар учун муҳим аҳамият касб этадиган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш йўлида зарур бўлган барча ишлаб чиқариш инфратузилмаларини давлат маблағлари ҳисобидан таъминлаш принципини нафақат қабул қилдик, балки уни амалда жорий этмоқдамиз”¹⁵ – дея таъкидлаб ўтдилар.

Қиймати 50 миллион доллардан ошади-ган ва хорижий инвесторнинг улуши камида 50 фоиз бўлган аниқ лойиҳаларнинг ўз муддатида амалга оширилишини таъминлай-диган инфратузилмани лойиҳа ҳужжатлари асосида ўз вақтида қуриш мажбурияти олин-моқда. Бунга мисол қилиб Сурғил кони неги-зида Устюрт газ кимё мажмуасини қуриш бўйича амалга оширилаётган лойиҳани кўр-сатиш мумкин. Бу ерда умумий қиймати 212 миллион долларни ташкил этадиган ташқи муҳандислик инфратузилмасини барпо этишни давлат ўз зиммасига олган. “Навоий” эркин индустриал - иқтисодий зонаси ва “Ангрен” махсус индустриал зонасида яра-тилган шароитлар ҳам бунга мисол бўлиши мумкин.

Шунингдек, “Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳам

¹⁴ А.Ваҳобов, Иброҳимов А., Ҳақимов Б. Иқтисодий таҳлил назарияси. – Т.: ТМИ-2003-176 бет.

¹⁵ И.А.Каримов. “2012-йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”//“Халқ сўзи” 2012 йил 20 январ

ички, ҳам ташқи бозорни тўйинтириш, импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадларида ташкил қилиниши лозим. Бу эса, чет эл инвестициялари оқимини тезлаштиради. Чет эл капиталини жалб қилиш ва ундан фойдаланиш бўйича мақсадли узоқ муддатга мўлжалланган республика дастурида чет эл технологиялари ва ускуналари билан биринчи навбатда жиҳозланиши лозим бўлган у ёки бу тармоқларни белгилаш талаб этилади”¹⁶.

Инвестицион жозибадорликни баҳолаш ва инвестиция ҳажмини башоратлаш моделларидан бир вақтда фойдаланиш, бир хил натижаларга эришишга имкон берувчи, иқтисодий тизимнинг инвестицион жозибадорлигини ўзгартириш бўйича жуда кўплаб чора-тадбирлар вариантларини ишлаб чиқишга имконият беради.

Инвестиция ҳажмини башоратлаш моделида инвестицион жозибадорликни аниқловчи ҳар бир кўрсаткич қанчалик таъсир кўрсатилишга мойиллигини ҳамда кўрсаткичга таъсир этиш ва инвестицион жозибадорлик ҳолатининг ўзгариши ўртасида қанча вақт ўтишини ҳисобга олиш лозим. Тегишли кўрсаткич ўзгарадиган вақтдан бошлаб иқтисодий тизимнинг инвестицион жозибадорлигини ўзгартиришга зарур бўладиган муддат-ни аниқлаш учун корреляцион таҳлилдан фойдаланиш тавсия этилади. Корреляция коэффициентининг максимал қиймати капи-тал оқими ўзгариши ва инвестиция жозибадорлиги орасидаги боғлиқликни ифода этади. Иқтисодий тизимнинг инвестицион жозибадорликка таъсир этувчи барча кўрсаткичларини бошқарувчи субъектнинг таъсирни қабул қилиш даражасидан келиб чиқиб, қуйидагича таснифлаш мумкин:

- таъсирни деярли қабул қилмайдиган кўрсаткичлар, 3-5 йил;
- таъсирни озроқ қабул қилувчи кўрсаткичлар, 1,5-3 йил;
- таъсирни ўртача даражада қабул қилувчи кўрсаткичлар, 1-1,5 йил;

¹⁶ И.А. Каримов. “2012-йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”//“Халқ сўзи” 2012 йил 20 январ

– таъсирни ҳар доим ҳам тўлиқ қабул қилмайдиган, лекин тез ўзгарувчи кўрсаткичлар, 6-12 ой;

– “лаҳзали таъсир”, яъни, таъсирни тез қабул қилувчи ва ўз ҳолатини қисқа муддатларда ўзгартирувчи кўрсаткичлар, 3-6 ой;

Ишлаб чиқиладиган чора-тадбирлар тизими нафақат инвестицион жозибадорлик кўрсаткичи ортишига, қолаверса, ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатиши лозим.

Умумий ҳолатда аввало қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Маҳаллий ва хорижий инвесторларга мўлжалланган, инвесторларга кафолат ва имтиёзлар беришни назарда тутувчи меъёрий - ҳуқуқий базани такомиллаштириш. Инвестицион жозибадорликнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, бу чора-тадбирни табақалаштириш мақсадга мувофиқ. Бунда капитални жойлаштириш ҳамда капитал ҳосил қилувчи инвестициялар нархини пасайтириш учун инвесторлар орасида рақобатни кучайтириш ва бошқа қўйилмалардан қайтимни ошириш учун қайта инвестицияланган ҳудудларда инвестициялаш шартлари самарадорлигини ошириш. Ҳудудларга инвесторни танлаш имкониятини бериш ва инвестицион жараёни назорат қилишни осонлаштириш.

2. Ўз ичига ягона маҳаллий банк, суғурта ташкилотлари, қарз берувчи марказ, лизинг компаниялари, молиявий маҳаллий тизим, инвестицион фондларни олувчи ягона молиявий маҳаллий тизимни яратиш.

3. Муниципал облигациялар тизимини такомиллаштириш. Инқирозни бошидан кечираётган, шунинг ҳисобига инвесторларни жалб қила олмайдиган корхоналар учун давлат ва муниципал буюртмалар муҳим аҳамиятга эга. Давлат буюртмаси бажарилиши шундай корхоналар учун материал захираларини тўлдириш ва ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга имкон беради, бу эса уларнинг инвестицион жозибадорлигини оширади.

4. Ҳудуд бюджетига солиқ ва тўловлар доимий тўланишини таъминлаш ҳамда тўлов интизомини яхшилаш. Солиқ йиғиш даражасини ошириш давлат институтларини ривожлантириш, ҳудуднинг инфратузилмавий таъминотини кенгайтириш учун маълумотлар базасини ва ахборот оқимлари ҳаракати ҳисобига инвестицион бозорнинг очиқлилигини таъминлайди.

5. Ҳудудлар саноат корхоналарининг технологик кооперациясини ташкил этиш ва бунинг ҳисобига юқори иқтисодий самара олиш. Ҳудудларда, айниқса, ер ости бойликларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган ҳудудларда кооперацияни ривожлантириш тадбиркорларнинг транспорт ва трансакцион харажатлари қисқартирилишини таъминлайди ҳамда сифатли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга имкон беради. Иқтисодий тизимнинг инвестицион жозибадорлигини оширади. Бу эса ўз навбатида қўшимча капитал оқимини вужудга келтиради.

6. Корхоналарга инвесторларни излаб топиш, илмий асосланган бизнес режалар ишлаб чиқиш, инвестицион маркетинг бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади.

Инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш ва инвестиция фаолияти масалаларига эътибор қаратилган бўлиб, барқарор ва иқтисодий салоҳиятга эга бўлган инвесторлар инвестиция қилаётган давлат, минтақа, корхона ёки лойиҳанинг юқори иқтисодий самара беришига қатъий ишонч ҳосил қилгандагина ўз маблағларини инвестициялаштириш учун қарор қабул қиладилар дея таъкидланади.

3. Ижтимоий соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг асосий тамойиллари ва ички манбалардан фойдаланишни кенгайтиришнинг тутган ўрни

Бугунги кунда ижтимоий соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилишда инвестицион фаолият самарадорлигини оширишда тўсик бўлаётган муаммоларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- Инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришда кредит учун гаров предметининг етарли бўлмаслиги, кредит таъминотини расмийлаштириш жараёнларининг мураккаблиги;
 - Инвестицион лойиҳа бўйича маркетинг тадқиқотларининг чуқур олиб борилмаслиги ва бу лойиҳанинг келгусидаги пул оқимлари ҳаракатининг барқарорлигига ҳамда кредитни қайтариш манбасининг ишончлилигига салбий таъсир этиши;
 - Инвестицион лойиҳалар ташаббускорлари дуч келаётган асосий муаммолардан бири- молиялаштиришнинг нокредит усулларида суғуланиши (лизинг, факторинг, франчайзинг ва х.к.);
 - Тижорат банкларининг кредит-молия муассасаларига хос бўлмаган вазифаларни бажариши. Кўп ҳолларда банklar назорат қилувчи ва қўзғатувчи органлар сифатида ҳаракат қилмоқда ва бу ҳол инвестицион лойиҳалар ташаббускорларининг банк тизими билан муносабатига салбий таъсир кўрсатади.
 - Инвестицион лойиҳалар ташаббускорларининг кредитга қўйилганини баҳолаш ишларининг, айрим ҳолатларда, ҳолисона ўтказилмаслиги;
 - Инвестицион лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосномасини сифатсиз тайёрланиши.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқларида инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича илмий талифлар

- Тижорат тузилмаларини кафолатга бўлган талабини таъминлаш мақсадида кафолат-гаров жамғармалари тизимини шакллантириш;
- Аҳоли бўш пул маблағларини инвестицион жараёнларга жалб қилиш мақсадида қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш, турли қимматли қоғозларни муомалага чиқариш (уй-жой сертификатлари ва уй-жой облигациялари);
- Ишлаб чиқаришни тузилмавий-технологик қайта қуришни жадаллаштириш мақсадида марказлашган кредит ресурсларнинг бир қисмини тез қоплайдиган инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга қаратиш, шу жумладан кичик бизнес объектларига йўналтириш;
- Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг нокредит усулларида бўлган лизинг, франчайзинг, факторинг кабилардан фойдаланишни кенгайтириш;
- Инвестицион лойиҳаларни сифатини ошириш, лойиҳаларни капитал қўйилмалар самарадорлиги талабларига мос келиши мақсадида тижорат асосида доимий равишда фаолият юритадиган инвестицион лойиҳалар кўргазмасини ташкил қилиш ва ҳоказо.

Юқоридаги ва бошқа таклиф ҳамда тавсиялар ижтимоий соҳа тармоқларида инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун хизмат қилади.

Ички инвестицияларни жалб қилишдаги муаммоларга қуйидагилар киради:

- Инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришда кредит учун гаров предметининг етарли бўлмаслиги, кредит таъминотини расмийлаштириш жараёнларининг мураккаблиги;
- Инвестицион лойиҳа бўйича маркетинг тадқиқотларининг чуқур олиб борилмаслиги ва бу лойиҳанинг келгусидаги пул оқимлари ҳаракатининг барқарорлигига ҳамда кредитни қайтариш манбасининг ишончлилигига салбий таъсир этиши;

-Инвестицион лойиҳалар ташаббускорлари дуч келаётган асосий муаммолардан бири- молиялаштиришнинг нокредит усулларида суғулдан фойдаланиши (лизинг, факторинг, франчайзинг ва х.к.);

-Тижорат банкларининг кредит-молия муассасаларига хос бўлмаган вазибаларни бажариши. Кўп ҳолларда банклар назорат қилувчи ва кузатувчи органлар сифатида ҳаракат қилмоқда ва бу ҳол инвестицион лойиҳалар ташаббускорларининг банк тизими билан муносабатига салбий таъсир кўрсатади.

Иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсати мавжуд маблағлардан, вақтдан ва имкониятлардан самарали фойдаланишга, турли хил рискларни, мавжуд шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда бойликларни самарали жойлаштиришга ва шу йўл билан республика иқтисодиётини кўтаришга, унинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишига, чет эл инвестицияларининг кириб келишини рағбатлантириш йўли билан инвестицияларни, кўпроқ, иқтисодиётнинг устувор тармоқларига жалб қилишга, ҳамда улардан самарали фойдаланишга қаратилган. Бугунги кунда хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг бир қанча шакллари мавжуд, яъни:

- улуши қўшилиб қатнашиши орқали қўшимча корхоналарни ташкил этиш;

- 100% мол – мулк хорижий инвесторларга тегишли бўлган хорижий корхоналарни ташкил этиш;


- йирик хорижий компания ва фирмаларнинг шўъба корхоналари ва филиалларини ташкил этиш;

- контсессия ва лизинг шартномалари тузиш;

- тендерлар эълон қилиш;

- эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил этиш;

- молиявий активларни сотиш ва сотиб олиш.



3.1-расм. Мамлакатда иқтисодий ўсиш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш омиллари

Қўшма корхоналар ташкил этиш орқали хорижий инвестицияларни жалб қилиш кенг тарқалган шаклларида бири ҳамкорликда қўшма корхоналарни ташкил этишдир. Ўзбекистон Республикасида қўшма корхона деганда, низом капиталининг камида 30 % хорижий инвесторларга тегишли бўлган ва хорижий инвестор фақат юридик шахс бўлган, низом капиталининг энг кам миқдори 150000 АҚШ доллариға тенг бўлган эквивалент суммани ташкил этган корхоналарга айтилади.¹⁷ Хорижий инвестиция иштирокидаги корхона низом жамғармасининг 150000 АҚШ долларида кам бўлмаслиги сифатсиз маҳсулотларининг олди – сотдиси ва уларни республикага импорт қилиш ишлари билан шуғулланишга ихтисослашган кичик қўшма корхоналарнинг керагидан ортиқча кириб келишининг олдини олиш мақсадида белгиланган.

Хорижий корхоналарни ташкил этиш орқали чет эл инвестицияларини жалб қилиш бугунги кунда кенгайиб бормоқда. Ўзбекистонда хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар иқтисодиётнинг турли соҳаларида ташкил этилиши мумкин. Йирик хорижий компания ва корхоналар ўз мол – мулклари бир қисмини ажратиб, шуъба корхоналар очиши мумкин. Бундай шуъба корхоналарга ҳам қўшма корхоналарга қўйилган талаблар белгиланган.

Икки ёки учдан ортиқ давлат ёки корхоналар ўз капиталларини жамлаган ҳолда халқаро ташкилотлар ташкил этиши мумкин.

Концессия шартномалари – бу табиий бойликларни, айрим фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва ўзлаштириш учун тузилган шартномалардир.

Лизинг шартномаси эса чет эл инвестициялари иштирокида асбоб – ускуналарни, техника – технологияларни узоқ муддатга ижарага олиш.

Тендерлар эса танлов асосида инвесторларнинг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга жалб этилишидир.

¹⁷ Ваҳобов А. ва бошқалар. Халқаро молия муносабатлари: Дарслик/Муал: А.Ваҳобов, Н.Жумаев, У.Бурхонов.-Т: “Шарқ”, 2003. 277-бет.

Эркин иқтисодий ҳудуд – бу маълум ҳудудда чет эл инвестициялари эркин кириб келиши ва уларга нисбатан қатор имтиёзлар белгиланган ҳудуддир.

Ўзбекистон Республикасининг “Эркин иқтисодий ҳудудлар тўғрисида”ги Қонунида эркин иқтисодий ҳудудга қуйидагича таъриф берилган: “Эркин иқтисодий ҳудудлар – минтақани жадал ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш учун мамлакат ва чет эл капиталини, истиқболли технология ва бошқарув тажрибасини жалб этиш мақсадида тузиладиган, аниқ белгиланган маъмурий чегаралари ва алоҳида ҳуқуқий тартиботи бўлган махсус ажратилган ҳудуддир”.¹⁸

Қозоғистондаги биринчи эркин иқтисодий ҳудудлар 1991 йилда пайдо бўлган. Булар: Жезқозон вилоятдаги Жайрен – Атасу, Костанай вилоятдаги Лисаков ва Олмаота шаҳардаги “Отакент” эркин иқтисодий ҳудудлардир.

Молиявий активлар – бу қимматли қоғозлар бўлиб, у чет эл капиталини жалб этиш, чет эл кредитларини олиш ва чет эл капиталини банк депозитларига жалб этиш учун эмиссия қилинади.

Халқаро инвестицияларни тартибга солиш бўйича муҳим амалий ҳужжатлардан бири – Осиё-Тинч океани ҳамкорлиги ташкилоти доирасида ишлаб чиқилган хорижий инвестицияларнинг «кўнгилли кодекси»дир. Келажакда Умумжаҳон савдо ташкилоти (УСТ) томонидан фойдаланилиши мумкин бўлган ушбу «кодекс» да қуйидаги инвестицион тамойиллар қайд этилган:

- транспарентлик;
- донор-мамлакатларга нодискриминацион ёндашув;
- хорижий инвесторлар учун миллий режим;
- инвестицион рағбатларни соғлиқни сақлаш, ҳавфсизлик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш билан мос тушиши;
- савдони ва капитал қўйилмалар ўсишини чегараловчи инвестицияларга бўлган чекловларни минималлаштириш;

¹⁸ Ўзбекистон Республикасининг “Эркин иқтисодий ҳудудлар тўғрисида”ги Қонуни, 1996 йил 25 апрел.

- инвестицияларни экспроприация қилинишидан воз кечиш (бунда ижтимоий мақсадлар учун ва миллий қонунчилик доирасида, нодискриминация асосида, халқаро ҳуқуқ қоидаларига амал қилган ҳолда ва етарли ва самарали компенсация тўланиши шарти билан экспроприация амалга оширилиши мумкин);
- рўйхатдан ўтказилиш ва конвертациялашувнинг таъминланиши;
- капитални олиб чиқишдаги тўсиқларни ёъқотиш;
- икки маротаба солиққа тортишни бекор қилиш;
- реципиент мамлакатнинг миллий қонунчилигига, маъмурий тартиб ва қоидаларига хорижий инвесторнинг амал қилиши;
- инвестицион лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ хорижий мутахассисларни мамлакатдан чиқишига ва вақтинча ташриф буюришига рухсат бериш;
- маслаҳатлар ва музокара ёки арбитраж ёрдамида келишмовчиликларни бартараф этиш.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) томонидан берилаётган кредитлари аниқ мақсадларга берилиб, улар: чет эл ускуна ва технологияларини сотиб олишга, хизмат кўрсатиш соҳасига ва ишчи капитал сарф-ҳаражатларини қисман қоплашга, масалан, сублойиҳаларни молиялаштириш учун берилади. Мисол учун: 1993 йил 23 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки билан - ЕТТБ ва 1999 йил 1 декабрда Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат қурилиш банки билан ЕТТБ ўртасида кредит Битими имзолангандан кейин хорижий кредит линияларини Ўзбекистонда кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришга жалб этиш бошланди. Бу битимга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг кафиллиги асосида жами 60 млн. долларлик кредит ажратилди. Бу кредит линияси 13 йилга берилган бўлиб, ундан дастлабки 3 йили имтиёзли ҳисобланади, 3 та транш бўйича берилди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки дастлабки транш бўйича 21 та лойиҳани молиялаштирди.

ЕТТБ биринчи кредит линиясининг тез ва муваффақиятли ўзлаштирилганлиги ва Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкининг ишончлилиги ва юқори обрўга эга эканлигини инобатга олиб, 1996 йил декабрь ойида юқоридаги программа бўйича ИИ- кредит линиясини очиш масаласини кўрилди ва бу масала ўрганиб чиқилиб маъқулланди. Бу кредит линияси 120 млн.\$ ни ташкил этиб, ундан 60 млн.\$ Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг кафолатисиз бериладиган бўлди (ТИФ МБ кафолати остида).

ЕТТБ кредит линиясини олишнинг асосий шартларидан бири -бу лойиҳанинг экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қаратилганлигидир. Кредитлаштириш муддати 7 йилгача бўлиб, ундан 2 йили имтиёзlidir. Бериладиган кредитнинг минимал миқдори 100000 доллардан кам бўлмаган ва максимал миқдори 5 млн.\$ гача бўлиб, лекин лойиҳа дастлабки қийматининг 75% идан кўп миқдорда кредит берилмайди (Ҳозирги вақтда, кредитнинг минимал қиймати 50.000 АҚШ долларигача туширилган). Бундан ташқари тадбиркор лойиҳани амалга ошириш учун керак бўладиган шахсий капитал, бино, иншоот, машина-ускуналар ва ишлаб чиқариш жараёнидан олдин айланма капитал, ҳамда молиявий ҳаражатларни қоплаш учун бошқа маблағларга эга бўлиши керак. Юқорида таъкидлаб ўтилганларнинг қиймати лойиҳанинг дастлабки қийматининг 25% идан кам бўлмаган миқдорда бўлиши керак. Олинаётган кредитнинг гаров таъминоти (учинчи шахслар ёки ҳукумат кафолати, суғурта полислари, асосий воситалар, бино, иншоотлар баҳолаш қийматининг 70% миқдорида, ускуналар эса баҳолаш қийматининг 60-70% миқдорида таъминланганлик гарови сифатида олинади). Сўралаётган кредит суммасининг камида 120% суммасини ташкил этиши керак. Тақдим этилаётган кредит учун фоиз ставкаси ЛИБОР (ёки НИБОР, ПИБОР) дан кам бўлмаган плюс кредит линияси очилган республикаимиз банкларининг комиссиялари ҳақлари киради.

Банк Ўзбекистонда киритган умумий сармоялар ҳажми 2005 йил июнь охирига кўра 584 миллион еврини ташкил этган бўлиб, бу маблағлар турли

фаолият соҳаларида қўлланилди. Банк сармояларининг катта қисми молия муассалари (29 фоиз), табиий ресурслар ва энергетика (29 фоиз) ва инфратузилма (27 фоиз) секторларига ажратилган. Банк сармояларининг асосий қисми кредит сифатида (94 фоиз), яна 5 фоизи акциядор сифатида молиялаштириш ва 1 фоизи кафолатлар сифатида ажратилган.

Сўнгги Стратегия қўллаш даврида, ЕТТБ умумий ҳажми 66,2 миллион еврога тенг ўнта дастурни имзолади. Дастурларнинг асосий қисми хусусий секторга ёъналтирилган бўлиб, маҳалий ва хорижий инвесторларга кредитлар ажратиш орқали амалга ошади:

- Бурсел тўқимачилик қўшма корхонаси (10.3 миллион евро);
- Ўз-Арктэк, Пайвандлаш Электродлари (7.2 млн. евро);
- Берад-Агро (0.5 млн. евро);
- Гисад Ўзбек (0.9 млн. евро);
- Меҳнат Пиво (2.8 млн. евро);
- Нестле Ўзбекистон (2.5 млн. евро);
- Унител (улуш ҳажми-3.9 млн., кредит ҳажми-24.5 млн. евро);
- Микро ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш дастури бўйича "Ипотека" билан ҳамкорлик (3,8 млн. евро);
- Микро ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш дастури бўйича "Ҳамкорбанк" билан ҳамкорлик (2.3 млн. евро);
- Тошкент сув таъминот тизимини такомиллаштириш (7.5 млн. евро).

"Ипотека" ЕТТБнинг микрокредит фаолиятига кўшилиши ва "Ҳамкорбанк" билан ҳамкорликнинг кенгайтирилиши, бу молия муассасаларининг микро ва кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш имкониятларни янада кенгайтирди, хусусий секторнинг молиялаштирилишини яхшилади ва рақобатни оширди. Бундан ташқари, аъзо банклар тарафидан савдони ривожлантириш борасида ҳаракатларини, Савдо Рағбатлантириш Дастури орқали қўллаб-қувватлади ва хусусий секторнинг янада ривожланиши учун Қўшма-Молиялаштириш Дастури имкониятларидан фойдаланиш имконияти ўрганиб чиқилмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ЕТТБ иштироки билан умумий қиймати 1,4 млрд АҚШ долларига тенг инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Бу лойиҳаларни молиялаштиришда ЕТТБ нинг улуши 723, 8 млн. АҚШ долларига тенг. Шу билан бирга қиймати 320 млн АҚШ долларига тенг бўлган 8 та инвестиция лойиҳаси кўриб чиқилмоқда.

Ўзбекистон Осий тараққиёт банкига (ОТБ) 1995 йилнинг августида аъзо бўлиб кирди. Республикамизнинг бу банкга аъзо бўлиши иқтисодий ўзгариш жараёнини маълум даражада тезлаштиради, ҳамда тадбиркорлик ва бизнеснинг турли хил формаларини ривожланишига кўмаклашади.

1996 йилнинг 17 декабрида ОТБнинг Директорлар Кенгаши Ўзбекистонга 50 млн.\$ миқдорида кредит линиясини 13 йил муддатга, дастлабки 3 йилини имтиёзли шартда очишга қарор қилди. Бугунги кунда бу кредит линияси тўлиқ ўзлаштирилган бўлиб, ўнлаб кичик ва хусусий бизнес лойиҳалари молиялаштирилди.

ОТБ 1966 йил декабрь ойида ўз фаолиятини бошлади. Унинг штаб квартираси Филиппиннинг Манила шаҳрида жойлашган. Банк Осиё регионидagi 36 та давлат ва бу региондан ташқаридаги яна 16 та давлат томонидан ташкил этилган. Бугунги кунда бу банк аҳолиси зич жойлашган ҳамда аҳоли сони тез ўсаётган давлатларга кўмаклашаётган банклардан бирига айланди.

ОТБ асосан ўз кредитларини технология ва ускуналарни сотиб олиш, ишчи капитал ҳаражатларини қисман қоплашга, қишлоқ хўжалиги секторида мавжуд ускуналарни модернизация қилиш, қайта куроллантириш ва янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган сублойиҳаларни молиялаштиришга берилади. Бу кредит линиясининг қарз олувчиси бўлиб, асосан, Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки ҳисобланади. Субқарз олувчи бўлиб хусусий, кичик ва ўрта корхоналар бўлиши мумкин. (Аралаш капиталга эга бўлган корхоналар бўлиши мумкин, лекин бошқарув хусусий сектор қўлида бўлиши керак). Кредит олиш учун лойиҳа экспортбоп ёки

импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарилиши ва валютада ўзини қоплаши керак.

Кредит узоғи билан 7 йил муддатга, шундан 3 йили имтиёзли шартда берилади. Берилаётган кредитнинг максимал суммаси 5 млн \$ ни ташкил этади. Лекин бу сумма лойиҳанинг дастлабки қийматининг – 75 %ини қоплаши керак. Ускуналар ва технологияларнинг таъминотчиси ОРБ нинг аъзоси бўлиши керак (56 та давлат, буларга: Осиё давлатлари, АҚШ, Канада, Европа давлатлари, Австралия, Туркия давлатлари киради. Бу банкка аъзо бўлмаган давлатлар қаторига Яқин Шарқ, МДХ давлатлари (Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистонни қўшмаган ҳолда) ва бошқа давлатлар.

Осиё тараққиёт банкининг кредитини олиш учун қарз олувчи лойиҳа қийматининг камида 25%ига ўз маблағларига эга бўлиши керак. Қарз олувчи таъминот сифатида - бино, иншоот, машина-ускуналар ва ишлаб чиқариш жараёнидан олдинги айланма капитал, ҳамда молиявий ҳаражатларни қоплаш учун бошқа маблағларга эга бўлиши керак. Гаров таъминоти шarti олинаётган кредит суммасининг 120%дан кам бўлмаслиги керак.

Осиё Тараққиёт Банки Ўзбекистонда кўплаб лойиҳаларни молиялаштириш учун режа тузган. Бунга кўра бу лойиҳалар 2006 йилдан 2010 йилгача амалга оширилиши кўзда тутилган. Бу лойиҳаларга соғлиқни сақлаш, таълим соҳасига, ногиронларга беғараз ёрдами, шаҳарларда канализацияни яхшилаш, сув етказиб бериш ва бошқа лойиҳалардир. 2006 йилдан 2008 йилгача 14 та шунга ўхшаш лойиҳаларни молиялаштириш кўзда тутилган. 1996 йилдан бери Осиё Тараққиёт Банки 19та лойиҳа бўйича 21та қарз берган. Бу қарзни умумий суммаси 914,7 миллион \$ ташкил этди.

Осиё Тараққиёт Банки Ўзбекистонга иқтисодий ривожланиш 2005-2007 йиллар учун 300 миллион доллар кредит беришини маълум қилди. Қароргоҳи Манилада жойлашган банкнинг маълумотига кўра, ҳар йили ваъда қилинган кредитнинг 100 миллион доллари ажратилади ва кредит уч йил давомида берилади. Унинг 70 фоизи, банкка кўра, қишлоқ жойлардаги тараққиёт дастурларини амалга ошириш учун ишлатилади. Қолган қисми эса

хусусий секторни ривожлантириш, транспорт ва таълим соҳаларини яхшилаш учун сарф қилинади.

Германия ривожланиш кредит агентлиги (КфВ).

КфВ иқтисодиётнинг турли соҳаларидаги (қишлоқ хўжалигидан ташқари) лойиҳаларга - технология ва ускуналарни сотиб олиш, ишлаб турган корхоналарни модернизация қилиш ва кенгайтириш, янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш учун кредит беради.

Бу кредит линиясининг қарз олувчиси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки ҳисобланади, субқарз олувчи бўлиб эса — хусусий, кичик ва ўрта бизнес корхоналари ҳисобланади (Аралаш капиталга эга бўлган корхоналар бўлиши мумкин, лекин бошқарув хусусий сектор қўлида бўлиши керак).

Биз юқорида кўриб ўтган 3 та кредит линияси бўйича лойиҳаларни танлаб олишда, шу кредит линиясига хизмат кўрсатаётган банк асосан куйидагиларга алоҳида эътибор берилиши керак:

- лойиҳа бўйича ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг экспортга мўлжалланганлигига;
- лойиҳа импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилганлигига;
- лойиҳанинг валютада ўзини қоплаши.

Бундан ташқари ҳар бир молиявий ташкилотларнинг кредит линиялари бўйича шу кредит линияларига хизмат кўрсатадиган банк билан тузилган кредит битими ва унда кўрсатилган шарт шaroитлардан келиб чиққан ҳолда лойиҳалар танлаб олинади ва кредитланади.

Ислom тараққиёти банки

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида республикамиз банкларининг жаҳон молия системасига қўшилиш жараёнини янада тезлаштириш зарур бўлади.

Бу муоммаларни ҳал қилиш учун халқаро молия институтлар билан мулоқотни ривожлантириш зарур.

Республикаимиз корхоналари ўз маҳсулотларини мусулмон мамлакатларига экспорт қилиш ва ривожланган мусулмон мамлакатлари билан иқтисодий алоқлааримизни ривожлантириш учун Ислон тараққиёт банки билан муносабатларни ўрнатишни тақозо этади.

Ислон тараққиёт банки, бу давлатларора кредит ташкилоти бўлиб, унинг аъзолари мусулмон мамлакатлари ҳисобланади. Бу Форс курфасидаги давлатларнинг нефть орқасидан топган даромадлари ҳисобига ташкил топган биринчи молия институти ҳисобланади.

Ислон тараққиёт банкини ташкил этиш тўғрисидаги Декларация, Мусулмон мамлакатлари молия вазирлари томонидан 1973 йил декабрь ойида имзоланган эди. Банк эса ўз фаолиятини 1975 йил октябр ойида бошлади.

Банкнинг асосий мақсади-Ислон қонунлари асосида мусулмон мамлакатлари ижтимоий ва иқтисодий ривожланишига ёрдам бериш ҳисобланади.

Ислон тараққиёт банкининг бошқа молия кредит институтларидан фарқи кредитлашда фоиз олмаслигидадир.

Банк кредитлашда олинadиган фоиз ўрнига, корхона оладиган фойдадан улуш сифатида олади, яъни корхона олинган фойдани банк билан бўлишиб олишади.

Ислон тараққиёт банки инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда жуда кўп усуллардан фойдаланади: жумладан, техник ёрдам, лизинг, кредит, капиталда иштироки, молиялаштириш, фойдани бўлишдаги иштироки ва бошқалар.

Ислон тараққиёт банкининг жами банк амалиётларининг учдан бир қисми узоқ муддатли кредитлар бўлиб, булар қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, ирригация системаларини қуриш ва реконструкция қилиш, социал ва иқтисодий инфраструктурани яхшилашга қаратилган инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга қаратилгандир.

Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни жалб этишни фаоллаштиришга катта эътибор қаратилиб, инвесторларга қўмаклашиш ва кафолатлар бериш учун уларга инвестиция, солиқ тизимида ва божхона тўловлари соҳаларида маълум имтиёзлар, шароитлар ва кафолатлар тизими шакллантирилди. Бундай тизимнинг таркибий қисми бўлган суғуртанинг шакллантирилиши хорижий инвесторларга сиёсий ва тижорат хатарларидан суғурта кафолатини тақдим этиш имкониятини яратди.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан суғурта соҳасини ривожлантиришга катта эътибор берилиб, суғурта бозорини босқичма-босқич ислоҳ қилиш амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган инвестицион лойиҳалар ва ташқи савдо шартномаларини хорижий банклар томонидан ушбу давлатларнинг экспорт-кредит агентликларининг кафолатларисиз молиялаштириш учун қулай шароит яратиш бўйича қўшимча тарзда компания томонидан мақсадли стратегик режа амалга оширилмоқда. Сиёсий бўҳронлардан имтиёзли шартлар асосида суғурталашнинг тақдим этилиши нефть қазиб олиш ва газ - кимё тармоқлари, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, автомобильсозлик, телекоммуникация соҳаси ҳамда пахта толаси ва республика металлургия саноати маҳсулотларининг экспорт шартномалари бўйича аванс тўловларини ўз вақтида олиш учун ушбу банклар ресурсларини жалб этиш ва улардан фойдаланиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислоҳотларни бошланиш давридан чет эл инвестицияларини жалб қилишга тузилмавий қайта қуришнинг ҳамда умумжаҳон иқтисодий ҳамжамиятига кириб боришини тезлаштирувчи омил сифатида асосий устуворлик берилди.

Хорижий инвесторларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш ва ҳимоялаш мақсадида яратилган шарт-шароитлардан ташқари, Республика томонидан Адлия вазирлигига уларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи давлат органи ваколати берилди. Жумладан, Адлия вазирлигининг таркибида 2003 йилдан

бошлаб чет эл инвесторлари манфаатларига зарар етиш ҳолатларини олдини олиш бўйича махсус бўлинмалар ташкил этилди.

Эришилган ютуқлар билан бирга бу борада тўсиқ ва камчиликлар мавжуд. Бунинг яққол мисоли бўлиб, мамлакатни инвестиция иқлими ҳолатини белгилайдиган асосий кўрсаткич бўлган, бевосита хорижий инвестициялар оқимининг етарли даражада кўпаймаганлигини кўрсатиш мумкин.

Шу нуқтаи назардан ҳам хорижий инвестицияли корхоналар фаолиятини жонлантириш ва бевосита хорижий инвестициялар оқимини мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга оширилиши керак:

1. Мамлакат инвестиция иқлимини яхшилаш ва ечимини топиш мақсадида, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар мутахассислари, ҳудудий ҳокимликларининг мутахассис вакиллари, инвестиция имкониятига эга бўлган йирик компания ва корхоналар раҳбарлари ҳамда республиканинг инвестициялар соҳасидаги етук олимлари иштирокида, кенг жамоатчилик ўртасида очиқ мулоқот ташкил қилиниб, мавжуд муаммолар ошкоралик билан ҳар томонлама муҳокама этилиши лозим. Шу асосда масалага кенг жамоатчилкк фикрини жалб қилган ҳолда, мутахассислар, олимлар ва амалиётчилар ўртасида илмий ва иқтисодий асосланган ягона инвестиция сиёсатини, шунингдек, қабул қилинган қонун ва қарорларни амалда ишлаш механизмини ишлаб чиқиш ва ҳаётийлигини таъминлаш лозим.

2. Инвестициялар оқимиға (нафақат хорижий, балки кўп томонлама ички инвестициялар тааллуқли) таъсир қилувчи омиллардан бири сифатида маркетинг тадқиқотини заиф олиб борилаётгани, натижада кўплаб ишлаб чиқарилган маҳсулотлар омборларда қолдиқ бўлиб қолаётганлиги кўрсатилмоқда. Бу муаммони фақат инвестицияларнинг ўзига боғлиқ қаратилиб, ечим изламасдан, аҳоли ва корхоналарнинг истеъмол қобилиятини кўтариш, ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларга иисбатан соғлом талаб даражасини ошириш нуқтаи назаридан қаралиши мақсадга мувофиқ бўлади.

3. Корхоналарнинг молиявий кўрсаткичлари ҳамда иқтисодий индикаторлар ҳақида ҳолис ва ишончли ахборот таъминоти ҳамон яхши йўлга қўйилгани ёъқ. Бу масалани ҳал қилиш учун муқобил ва мустақил нодавлат ахборот агентларини ташкил қилиниши лозим.

Умуман олганда, Ўзбекистон иқтисодиётига чет эл инвестицияларини янада кўпроқ жалб қилиш истиқболдаги асосий вазифалардан биридир. Бу муоммони мажмуавий (комплекс) тадқиқот қилиш, яъни биринчи ўринда ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жиҳатларини илмий таҳлил қилиш ва келажак истиқболини белгилаш катта аҳамият касб этади.

Барча таълим муассасаларида ахборот-ресурс марказлари ташкил этилиб, улар замонавий ўқув адабиётлари, мультимедиа дарсликлари, электрон дарсликлар ҳамда Интернет тармоғига уланган замонавий компьютер техникалари билан жиҳозланди.

Қатор таълим муассасалари халқаро имтиёзли кредитлар олишга муваффақ бўлди. Жумладан, Корея Ҳукуматининг “Ўрта махсус, касб-хунари таълимини ривожлантириш” лойиҳаси асосида радиотехника, пайвандлаш ускуналари ҳамда автомобиль тузилиши кабинетлари жиҳозлари, Германия давлатининг “Ўрта махсус, касб-хунари таълимини ривожлантириш” лойиҳаси асосида касб-хунари коллежлари чилангарлик ускуналари ва тикув ишлаб чиқариш машиналари билан жиҳозланди.

Вилоятнинг малакали мутахассисларга бўлган талабини ҳисобга олган ҳолда кенг қамровли тадбирлар асосида тайёрланаётган касблар инвентаризация қилиниб, вилоятда 6 та касб-хунари коллежлари қайта ихтисослаштирилди, 53 та касб-хунари коллежларида 40 та мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлаш тўхтатилди ва 79 та касб-хунари коллежларида 59 та мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида, 2008-2014 йиллар давомида Соғлиқни сақлаш муассасаларининг 34 тасида 48,4 млрд сўмлик қурилиш таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Жумладан, Қарши шаҳридаги вилоят кўп

тармоқли тиббиёт марказида 3,1 млрд сўмга 100 қатновли консултиватив диагностика поликлиникаси қурилди.

Шунингдек, 2013-2014 йилларда 703 ўринли кўп тармоқли болалар шифохонаси капитал реконструкция ишларига 6,2 млрд сўм, 2014 йилда вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида 435 ўринли капитал реконструкция ишларига 4,3 млрд сўм маблағ сарфланди.

Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Қашқадарё филиали эса Германия, Япония, Италия, Украина, Хитой, Россия ва АҚШда ишлаб чиқарилган замонавий тиббий электрон асбоб-ускуналар билан тўлиқ жихозланди.

2008-2014 йиллар давомида мазкур муассасага қарийиб 2 млрд сўмлик Ислом Тараққиёт банки томонидан, шунингдек Қувайт араб иқтисодий ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига туман тиббиёт бирлашмаларининг шошилиш тиббий ёрдам бўлимларига қарийиб 2,7 млрд сўмлик тиббий асбоб аппаратуралар берилди.

Вилоятда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш борасида олиб борилаётган ишларнинг давом эттирилиши натижасида 2015 йилда ҳам макроиқтисодий кўрсаткичларнинг барқарор ўсиш суръатлари давом этади.

Биринчидан, Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 2015 йилда 5,5 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 5,7 фоизга, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 6 фоизга, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти 6 фоизга, чакана савдо айланмаси 15,6 фоизга, пуллик хизмат кўрсатиш 16,9 фоизга ўсиши режалаштирилган.

2015 йилда киритиладиган инвестициялар ҳажми 4,2 трлн сўмни, шундан 1,6 трлн сўми марказлашган ҳамда 2,6 трлн сўми марказлашмаган маблағлар ташкил этиши кутилмоқда.

Инвестицияларнинг 680,4 млрд сўми “Тараққиёт ва тикланиш маблағлари” ҳисобидан, 494,4 млрд сўми давлат кафолати остида чет эл

кредит маблағлари ҳисобидан ва 268.4 млн доллар тўғридан-тўғри чет эл инвестиция маблағлари ҳисобига тўғри келади.

2015-2019 йилларда ялпи ҳудудий маҳсулот 2,1 баробарга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1,2 баробарга, қишлоқ хўжалиги 1,2 баробарга, умумий инвестициялар ҳажми 1,2 баробарга ва экспорт ҳажмини 1,1 баробарга ошириш кўзда тутилган.

Ялпи ҳудудий маҳсулотда саноатни улуши 33,8 фоиздан 40,2 фоизга, кичик бизнеснинг улуши 52,3 фоиздан 54,0 фоизга, хизматларнинг улуши эса 29,8 фоиздан 30,8 фоизга етказиш белгиланган.

Иккинчидан, Ҳукумат томонидан мутасадди вазирлик, идоралар ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари иштирокида ишлаб чиқилган 2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий қайта ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсификациялашни таъминлаш чора-тадбирлари дастурини изчил амалга ошириш.

III боб бўйича хулоса

Хулоса қилиб айтганда, инвестицияларнинг самарали бошқарувига эришиш республикамиз ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши янада жадаллашувига хизмат қилади. Бунда қуйидагиларни амалга ошириш ижобий самара беради.

– ҳудудлардаги корхоналарнинг умумий ривожланиш стратегияси ва инвестицион бозор конъюнктурасини башоратлаш;

– мамлакатимиз ҳудудларида инвестицион портфелни шакллантириш ва даромадлилик, таваккалчилик ва ликвидлилик мезонлари бўйича уларни баҳолаш;

– лойиҳаларни амалга ошириш жараёнига инвестициялар самарадорлиги ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш мониторингини ташкил этиш.

Юқоридаги фикрлардан хулоса қилиб шуни таъкидлашимиз лозимки, ҳудудларимизда тўғри ва оқилона инвестиция сиёсатини олиб бориш ва уларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш орқали ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кескин ривожлантириб, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини, корхоналарни техник ва технологик қайта жиҳозлаш натижасида аҳоли фаровонлигини тобора юксалтира бориш мумкин.

Республикамизда хорижий инвестицияларни, умуман, инвестиция фаолиятини суғурталаш механизми яратилди. Мавжуд механизмни янада такомиллаштириш, хорижий инвесторларга сифатли, арзон ва қулай суғурта хизматларини кўрсатиш миллий ва қўшма суғурта компанияларимизнинг асосий мақсадидир. Ушбу мақсадларни амалга ошириш ва жаҳон талабларига тўла жавоб бера оладиган суғурталаш тизимини яратиш учун:

Биринчидан, суғурта бозорида маълумотларнинг очик намоён этилиши, яъни суғурталанувчи ва суғурта назорати органларининг суғурта компанияларининг ишончлилиқ даражаси тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиши;

иккинчидан, суғурта компаниялари фаолиятини бошқаришни тўғри йўл га қўйиш, яъни самарали бошқарувни ташкил этиш;

учинчидан, хорижий суғурта институтлари устидан фаол назорат олиб борилиши;

тўртинчидан, хўжалик-молиявий аҳволи ёмон ҳолатда бўлган ёки банкротлик эҳтимоли юқори бўлган суғурта компаниялари билан ишлаш услубларини яратиш;

бешинчидан, суғурта соҳаси бўйича етук мутахассисларни тайёрлаш, хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш муҳимдир.

ХУЛОСА

Ушбу магистрлик диссертация ишимни ўзим танлаган “Мамлакатни модернизациялаш шароитида ижтимоий соҳа тармоқларига инвестицияларни жалб қилиш самарадорлигини ошириш йўллари” мавзуси бўйича ёритдим. Битирув малакавий ишимни ёритишда танлаган объектнинг, яъни Қашқадарё вилояти Иқтисодиёт бош бошқармасининг 2012-2014 йиллардаги маълумотларини таҳлил қилдим. Бугунги кунда ушбу мавзу энг долзарб ҳисобланади, чунки ҳозирги иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ижтимоий соҳага инвестицияларни жалб этиш самарадорлиги ошириш ва инвестицияларнинг жозибадорлигини ошириш зарур ҳисобланади. Корхоналарни техник ва технолгик янгилаш, модернизация қилиш ва янги ишлаб чиқариш объектларини куриш, шу орқали янги иш ўринларини шакллантириш, мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлаш учун инвестицияларнинг роли зарурдир. Ижтимоий соҳа тармоқларига инвестицияларни жалб этиш самарадорлигини ошириш учун аввало молиявий муассасалар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда давлат томонидан қўллаб-қувватланиш чора-тадбирларидан ўз вақтида фойдаланиш асосий мақсад ҳисобланади.

Ишни ёритиш жараёнида қуйидаги хулоса ва таклифларни ишлаб чиқишга эришдик.

Вилоят иқтисодиёт бош бошқармасида таҳлиллар натижасида эътиборга лойиқ ишларнинг амалга оширилаётганлиги, жумладан мавжуд имкониятлардан келиб чиққан ҳолда саноат тармоқларида қўшимча ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Эришилган ютуқлар билан биргаликда баъзи камчиликлар мавжудлиги, жумладан, вилоят ижтимоий соҳа тармоқларининг моддий-техника базасини янада бойитишга, қайта ишлаш бўйича кичик корхоналарни ташкил этиш масалаларига етарлича эътибор берилмаётганлиги кўзга ташланди.

Қашқадарё Вилоят иқтисодиёт бош бошқармасида мамлакатни модернизациялаш шароитида ҳудудий жиҳатлардан келиб чиқиб, амалга

ошириладиган ислохотларнинг хусусиятлари ва таҳлил натижалари таҳлил этилиб иқтисодий-ижтимоий ривожланиш тўғрисида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин ва инвестициялар жалб этилишини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни бажаришни таклиф қиламан.

1. Вилоят иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳа тармоқларига мамлакатни модернизациялаш шароитида белгиланган чора-тадбирларни ва инқирозга қарши чоралар дастури вазифаларини ўз вақтида ҳамда изчил амалга оширишни йўлга қўйиш.
2. Олиб борилган таҳлиллар шуни ифодалайдики, ижтимоий соҳа тармоқларида инвестицион фаолликни ошириш ва қулай инвестиция фаолиятини шакллантириш учун инвестицияларни ижтимоий соҳа тармоқларида капитал маблағлар етишмайдиган соҳаларига йўналтирилишининг самарали бозор механизмларини яратиш.
3. Ижтимоий соҳа тармоқларига хизмат кўрсатувчи банк тизими фаолиятини ривожлантириш ва уларнинг капиталлашув даражасини ошириш ҳамда инвестицияларни жалб этишнинг ташкилий шакллари такомиллаштириш.
4. Ижтимоий соҳа тармоқларида лойиҳаларни амалга оширишда соҳа хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда давлат ва инвесторларни лойиҳаларни асослаш ва қабул қилишидаги иштирокини такомиллаштириш.
5. Ижтимоий соҳада инвестиция фаоллигини оширишни тамойиллар асосида амалга ошириш ва жозибадор, устувор аҳамиятга эга бўлган лойиҳа ишлаб чиқаришларига ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиш ва уларни тарғибот қилиш тизимини ташкил қилиш зарур .
6. Вилоят ижтимоий соҳа тармоқларида мавжуд маблағлардан ва ички имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга эришиш учун жамоада соғлом муҳитни доимий равишда таъминланишига эришиш.

7. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида вилоятнинг ички имкониятларидан келиб чиқиб, банклар томонидан имтиёзли кредитлар беришни жадаллаштириш.

8. Маҳаллийлаштириш дастури асосида импорт ўрнини босадиган маҳсулот ва материаллар ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш.

9. Иқтисодий таркибий ўзгартиришда Ўзбекистон йирик халқаро молия институтлари, ҳукумат ташкилотлари ва хорижий банкларни, биринчи навбатда мамлакатимиз билан йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга катта қизиқиш билдираётган Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислон тараққиёт банки, Япония, Жанубий Корея ва ХХР тараққиёт банклари, қатор араб давлатларининг инвестиция фондларини жалб этиш масаласига катта аҳамият бериш

10. Вилоятда ичимлик суви билан таъминлаш тизимларини барпо этиш ва реконструкция қилиш, ижтимоий соҳа тармоқларини инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш ҳамда ўз ичига ягона маҳаллий банк, суғурта ташкилотлари, қарз берувчи марказ, лизинг компаниялари, молиявий маҳаллий тизим, инвестицион фондларни олувчи ягона молиявий маҳаллий тизимни яратиш.

11. Ҳудуд бюджетига солиқ ва тўловлар доимий тўланишини таъминлаш ҳамда тўлов интизомини яхшилаш. Солиқ йиғиш даражасини ошириш давлат институтларини ривожлантириш, ҳудуднинг инфратузилмавий таъминотини кенгайтириш учун маълумотлар базасини ва ахборот оқимлари ҳаракати ҳисобига инвестицион бозорнинг очиқлилигини таъминлаш.

12. Инвесторлар учун яратилган қулай инвестиция муҳити иқтисодий модернизация қилиш ва техник қайта қуроллантириш дастурларини муваффақият билан амалга оширишга эришиш.

Юқоридаги келтирилган барча тадбирларни амалга ошириш ҳамда мамлакатимиз томонидан бериладиган имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунларидан, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Президент Фармонлари ва вилоятимизда амалга оширилаётган чора-тадбирларни ўз вақтида қўллаш, моддий-техника базасидан самарали фойдаланиш, глобаллашув жараёнининг ижобий томонларини ўзлаштириш натижасида истиқболдаги вазифаларнинг бажарилишига имкон яратиш, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлардан ўз ўрнида, ўз вақтида фойдаланиш, истиқболдаги ютуқларга имкон яратиш, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этишга, иқтисодий ислохотларнинг ижобий натижасига эришишга ҳамда мамлакатни модернизациялаш шароитида вилоят ижтимоий соҳа тармоқларига инвестицияларни жалб этиш кўламини ва самарадорлигини ошишига эришиш мумкин деб ўйлайман.

Фойдаланилган адабиётлар

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Т.: “Ўзбекистон”, 2010. 40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 1998-йил 24-декабрь.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни. 1998-йил 30-апрель.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги Қонуни. 1998-йил 30-апрель.
5. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Халқ сузи, 09.01.2002.
6. Ўзбекистон Республикасининг қонуни 05.05.1994 й. N 1054-хii банкротлик тўғрисида Янги таҳрири ўзр 24.04.2003 й. 474-II-сон Қонуни билан тасдиқланган.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонуни, 11.12. 2003.
8. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги қонуни. 04.04. 2002.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”ги қонун, Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
10. Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги қонуни. // Халқ сўзи. 7 январь 2012 йил.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” Қарори// 26.11.2010 й. ПК-1438-сон.

12. “Банк тизимининг молиявий баркарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” : Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 апрелдаги ПК-1317-сонли Қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПК-1474-сонли «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» давлат дастури тўғрисида Қарори // Халқ сўзи, 2011 йил 10 февраль, № 29. (5196).

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4354-сонли Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 14 февралдаги “Ангрен” махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида”ги ПФ- -сонли Фармони.

16. Марказий банк Бошқарувининг 26.12.2009 й. 38/4-сон "Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш хақида"ги Қарори Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида томонидан 20.01.2010 й. 949-5-сон билан рўйхатга олинган.

17. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 23 августдаги 18/6-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг Миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисида” низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 27 сентябрда 1863-сон билан рўйхатга олинган.

III. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

18. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

19. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Т.: Ўзбекистон, 2010. – 47 б.

20. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.// Т.: Ўзбекистон, 2011. – 32 б.

21. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи” 2010 йил 13-ноябр.

22. Каримов И.А. “2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”//“Халқ сўзи” 2012 йил.

23. Каримов И.А. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”. Тошкент Ўзбекистон, 2011 йил.

24. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз-кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2013. 19 январ.

25. Каримов И.А. “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” Халқ сўзи газетаси, 18.01.2014.

26. Каримов И.А. “2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир”. // “Халқ сўзи” 17.01.2015

IV.Монографиялар, китоблар, рисоалар, илмий мақолалар ва матбуот нашрлари

27. Бочаров В.В. и др. Корпоративные финансы. СПб.: -Питер, 2009.-544с.

28. Бочаров В.В. Финансовый анализ: Учеб.пос.- СПб.; Нижний Новгород: ПИТЕР, 2010.-66с.
29. Бузова И.А. Коммерческая оценка инвестиций: /Под ред. В.Е. Есипова. - СПб: Питер, 2007.-97с.
30. Бланк И. А. Основы финансового менеджмента. – К.: Эльга, 2010.-41с.
31. Бородиной Е.И. Финансы предприятий Уч.пос. -М.: Банки и биржи. ЮНИТИ. 2009.- 129-161 с.
32. Финансы: Учебник для ВУЗов. /Под.ред.проф. Л.А.Дробозиной.- М.: Финансы, ЮНИТИ, 2009.-527с.
33. Ковалев В.В. Финансовый анализ. - М.: Финансы и статистика, 2009.-21с.
34. Кожухар В.М. Практикум: оценка инвестиций. Учеб. пособие. - М.: Изд. торговая корпорация. Дашка, 2009.-45с.
35. Никитушкина И.В. Корпоративные финансы: Практическое пособие. - М.: Экон. факульт. МГУ, ТЕИС, 2009.-15-21с.
36. Напетова И.А. Анализ финансово хозяйственной деятельности: Учеб. метод. пособ.- М.: Форум-Инфра-М, 2009.-22с.
37. Поляк Б.Б. «Финансы, денежное обращение, кредит» - М., Финансы и статистика, 2008.-87-121с.
38. Ромашева И.Р. Финансовый менеджмент.- М.: КНОРУС, 2008.- 152с.
39. Фомин Я.А. Диагностика кризисного состояния предприятия: Учебное пособие для вузов. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008.-55с
40. Шохин Е.И. Финансовый менеджмент: Учебное пособие. – М: ИД ФБК-ПРЕСС, 2010.-106с.
41. Шохъзамий Ш.Ш. Основы теории и практика экономики приватизации-Т.: Ибн Сино, 2004.-21с.
42. Хорн Ж. Основы управления финансами. Пер с англ.- М: Финансы и статистика - 2003.-68с. 129

43. “Бозор Ислохотларини чуқурлаштириш шароитида қишлоқ аҳолиси фаровонлигини оширишнинг стратегияси ва истиқболлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани маърузалар тўплами, Қарши, 2009 йил, 263 бет.

44. Бакаева Ш. “Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим омили”. “Ўзбекистон овози” газетаси // 2012 йил 24 март, № 40 (31.472)

45. Пардаев М.Қ., Мамасоатов Т. “Инновацион иқтисодиётни ривожлантириш-мамлакатимиз тараққиётининг бош омили”. “Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида ишлаб чиқариш соҳаларини инновацион ривожлантириш муаммолари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси тўплами. Қарши 2012 йил, 8-12 бетлар

46. Қодиров А, Гаибназарова З.Т. ”Инновацион инвестиция ва унга таъсир этувчи омиллар” “Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида ишлаб чиқариш соҳаларини инновацион ривожлантириш муаммолари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси тўплами. Қарши 2012 йил, 276-279 бетлар. 28. Балабанов А.И., Балабанов И.Т. Финансы.-СПб.: Питер, 2008.-192с.

47. Брейли Р., Майерс С. Принципы корпоративных финансов.-М.: Олимп-Бизнес, 2009.-84с.

48. Илёсова Н. “Барқарор иқтисодий тараққиёт кафолати”// Халқ сўзи. 2015 йил 3 июнь. № 110(6293)

49. Шералиев Ғ. “Соғлом рақобат ривожланиш омили”// Халқ сўзи. 2015 йил 2 июнь. № 109 (6292)

VI. Илмий манбалар

50. Юлдашев Р.З. Совершенствование управления инвестиционным обеспечением приватизированных предприятий Узбекистана. Автореферат диссертации на соискание учёной степени доктора экономических наук. 2010.

51. Суёнов Д.Х. Бизнес муҳитнинг ривожланишига корпоратив бошқарув механизмини жорий этишни такомиллаштириш. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Т-2007.

52. Байханов Б.Т.Тўқимачилик саноати корхоналарида инвестициядан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш жараёнларини моделлаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т, 2010.

53. Собиров А. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига инвестициялар жалб этишни давлат томонидан тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т, 2010

54. Махмудова Г.Н. Аграр соҳани инвестициялаш самарадорлигини ошириш йуналишлари мавзусидаги иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Т, 2010

IV. Ҳисобот ва маълумотлар

55. Ўзбекистон Республикасининг 2012-2013-2014 йиллардаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари. –Т.: 2014

56. Қашқадарё вилояти Иқтисодиёт бош бошқармасининг маълумотлари. 2012-2014 йй.

57. Қашқадарё вилояти Статистика бошқармасининг маълумотлари. 2012-2014 йил.

VI. Интернет сайтлари

58. www.travel-library.com www.thebanker.com

59. <http://www.bankofengland.co.uk/markets/foreh/indeh.htm>

60. <http://www.bankofengland.co.uk/markets/money/indeh.htm>

61. <http://www.bankofengland.co.uk/coreuproses>.

62. <http://www.boj.or.jp/en/siryo.htm>

Иловалар

1-илова

Қашқадарё вилоятида 2008-2014 йилларда асосий макроиктисодий кўрсаткичлар

т/р	Тармоқлар	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2014 йил 2008 йилга нисбатан, %
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1.	ЯХМ, млрд.сўм	3818,0	5244,8	5862,9	6973,9	8704,9	8828,1	10209,2	141,8
	ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да	111,2	108,1	103,2	106,6	104,6	105,6	107,9	х
2.	Истеъмол нархлари индекси (ИНИ)								
	декабр оий ўтган йил декабр ойига нисбатан, %	106,3	107,5	107,1	107,8	107,6	107,5	107,5	х
3.	Саноат маҳсулотлари ҳажми, млрд.сўм	3306,6	4461,6	4614,7	4621,3	5589,9	6263,7	6322,3	124,8
	ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да	118,9	115,1	96,8	104,1	98,0	102,9	106,7	х
4.	Халқ истеъмоли моллари ҳажми, млрд.сўм	249,2	279,7	356,0	450,6	524,9	1009,0	1110,5	176,6
	ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да	117,4	107,1	111,2	117,4	108,2	110,4	105,8	х
5.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми, млрд.сўм	1015,4	1194,1	1491,7	1826,3	2439,5	2618,4	3078,8	139,4
	ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да	107,0	104,5	106,9	103,6	106,2	106,8	106,2	х
6.	Асосий капиталга инвестициялар ҳажми, млрд.сўм	1824,7	2193,0	1690,4	2107,9	2875,9	3498,8	3944,4	106,9
	ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да	174,1	110,6	66,9	109,0	118,8	105,7	105,6	х

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
7.	Қурилиш ишлари хажми, млрд.сўм	398,7	507,6	699,2	791,5	997,9	1168,2	1619,8	2 м
	ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да	109,6	108,2	125,2	104,9	114,6	105,1	120,1	х
8.	Чакана савдо айланмаси хажми, в млрд.сўм	747,3	959,0	1325,2	1867,1	2567,6	3443,7	4394,3	2,9 м
	ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да	119,2	115,6	120,7	127,2	119,7	118,7	116,2	х
9.	Хизматлар - жами, млрд.сўм	930,7	1197,6	1498,5	1929,1	2521,1	3407,5	4 525,0	2,6 м
	ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да	114,8	114,8	113,0	116,4	119,7	120,4	118,1	х
9а.	Пуллик хизмат кўрсатиш, млрд.сўм	224,6	280,9	378,8	524,6	731,5	1027,1	1286,8	2,8 м
	ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да	128,3	105,5	114,7	113,7	118,6	119,5	111,7	х
10.	Ташқи савдо айланмаси, млн. АҚШ доллари	1787,9	2461,7	504,6	580,7	750,8	765,5	637,2	35,6
	ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да	214,1	137,7	20,5	115,1	129,3	101,9	83,2	х
11.	Экспорт, млн. АҚШ доллари	1274,3	2068,7	355,8	462,3	343,1	335,3	323,5	25,4
	ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да	202,2	162,3	17,2	129,9	74,2	97,7	96,5	х
12.	Импорт, млн. АҚШ доллари	513,6	393,0	148,8	118,4	407,7	430,2	313,7	61,1
	ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да	250,5	76,5	37,9	79,6	344,4	105,5	72,9	х
13.	Ташқи савдо айланмаси салдоси (+, -)	760,7	1675,7	207,0	343,9	-64,6	-94,9	9,8	х

Қашқадарё вилоятининг 2007-2014 йилларда ЯХМ тузилмаси

(%)да

т/р	Тармоқлар	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й	2013 й*	2014 й*
1	ЯХМ	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
2	Саноат	42,0	48,8	42,1	36,0	36,0	37,4	33,7
3.	Қишлоқ хўжалиги	18,0	15,3	17,2	17,8	18,2	19,8	19,4
4	Қурилиш	9,3	8,5	8,2	8,4	8,9	6,5	7,8
5.	Транспорт ва алоқа	7,0	3,9	5,0	5,9	6,3	7,5	7,2
6.	Савдо ва умумий овқатланиш	3,5	3,8	4,8	5,8	5,8	6,4	7,6
7.	Бошқалар	13,6	12,9	15,5	16,5	16,6	14,0	15,0
8.	Соф солиқлар	6,6	6,8	7,2	9,6	8,2	8,4	9,4
9.	ЯХМни Республика ЯИМдаги улуши	9,8	10,6	9,4	8,9	8,9	7,4	7,3

3-илова

Қашқадарё вилоятида 2007-2014 йилларда кўрсатилган хизматлар

Шаҳар ва туманлар номи	2008 йил		2009 йил		2010 йил		2011 йил		2012 йил		2013 йил		2014 йил		2014 йилда 2008йилга нисбатан, %
	млн. сўм	ўсиш, %	млн. сўм	ўсиш, %	млн. сўм	ўсиш, %	млн. сўм	ўсиш, %	млн. сўм	ўсиш, %	млн. сўм	ўсиш, %	млн. сўм	ўсиш, %	
<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>	<i>5</i>	<i>6</i>	<i>7</i>	<i>8</i>	<i>9</i>	<i>10</i>	<i>11</i>	<i>12</i>	<i>13</i>	<i>14</i>	<i>15</i>	<i>16</i>
Ялпи ҳудудий маҳсулотда хизматлар улуши	х	24,1	х	20,6	х	25,3	х	28,2	х	28,7	х	27,9	х	29,7	х
Вилоят бўйича жами хизматлар	930 667	114,8	1 197 616	114,8	1 498 528	113,0	1 929 112	116,4	2 521 056	119,7	3 407 469	120,4	4 525 051	118,1	4,9м
шундан:															
Қарши шаҳар	309 894	118,9	429 364	125,1	538 313	112,2	689 471	113,3	920 018	123,3	1 126 058	122,7	1 524 687	124,4	4,9м
Ғузор	37 808	113,0	47 879	112,2	59 607	112,6	85 742	131,2	114 655	107,9	166 443	121,7	340 690	127,1	9,0м
Дехқонобод	10 330	96,9	22 057	189,3	24 995	102,5	32 277	116,9	42 549	120,3	68 489	124,2	92 313	121,1	8,9м
Қамаши	25 804	119,8	28 724	98,1	45 620	143,7	54 577	109,2	71 008	119,0	113 233	124,1	146 030	119,4	5,6м
Қарши тумани	41 455	127,9	53 757	116,8	57 451	95,7	77 011	122,4	93 007	116,3	141 931	124,6	185 357	119,5	4,5м
Косон	70 931	125,6	87 335	109,2	141 313	146,2	178 975	116,0	236 163	122,4	337 005	123,6	437 584	119,4	6,2м
Китоб	45 751	117,8	49 706	96,3	69 545	126,6	89 282	117,1	102 076	108,5	140 039	120,5	199 279	123,4	4,3м
<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>	<i>5</i>	<i>6</i>	<i>7</i>	<i>8</i>	<i>9</i>	<i>10</i>	<i>11</i>	<i>12</i>	<i>13</i>	<i>14</i>	<i>15</i>	<i>16</i>

Миришкор	11 092	72,9	15 279	122,1	24 875	147,3	32 370	118,3	40 997	116,0	66 797	126,7	94 054	121,3	8,5м
Муборак	107 762	111,9	122 206	100,5	132 180	97,8	161 298	112,2	278 811	141,7	331 921	108,4	323 288	90,6	3,0м
Нишон	123 767	112,7	157 061	112,5	169 090	99,9	220 951	120,2	249 935	107,6	315 028	106,9	380 872	103,3	3,1м
Касби	18 338	119,7	22 058	106,6	31 261	128,2	46 591	135,9	56 407	110,6	90 256	127,5	115 783	120,0	6,3м
Чирокчи	34 493	106,9	44 445	114,2	50 348	102,4	60 418	109,1	78 927	118,6	132 440	121,8	188 347	125,5	5,5м
Шаҳрисабз	69 891	106,1	87 987	111,6	108 450	111,5	139 538	118,5	159 358	110,1	250 113	128,9	318 306	121,8	4,5м
Яккабоғ	23 349	107,4	29 757	113,0	45 480	138,2	60 610	121,2	77 145	115,5	127 717	126,9	178 459	120,5	7,6м

4-илова

Қашқадарё вилоятида 2008-2014 йилларда киритилган хорижий инвестициялар ва кредитлар тўғрисида

Шахар ва туманлар номи	2008 йилда		2009 йилда		2010 йилда		2011 йилда		2012 йилда		2013 йилда		2014 йилда		2014-2018 йилларда жами	
	Хорижий инвестиция ва кредитлар	шундан, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция	Хорижий инвестиция ва кредитлар	шундан, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция	Хорижий инвестиция ва кредитлар	шундан, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция	Хорижий инвестиция ва кредитлар	шундан, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция	Хорижий инвестиция ва кредитлар	шундан, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция	Хорижий инвестиция ва кредитлар	шундан, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция	Хорижий инвестиция ва кредитлар	шундан, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция	Хорижий инвестиция ва кредитлар	шундан, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция
Қарши ш.	333242,7	х	60467,1	х	26615,3	х	27282,6	х	270286,8	х	495610,9	х	217138,2	х	1430643,6	
туманлар:																
Ғузор	158606,2	х	97688,4	х	89247,6	х	855	х		х	310	х	18460,5	х	365167,7	
Дехқонобод	14186,7	х	67642,1	х	29560	х		х	116202,9	х	104833,8	х	343091,9	х	675517,4	
Қарши	28805,3	х	13988,3	х	428,4	х		х	4015	х	3277,6	х		х	50514,6	
Қамаши		х	10137	х	406,8	х	216,1	х		х	196,6	х	10902	х	21858,5	
Китоб		х		х	346,7	х	171	х	36,7	х	2011,8	х		х	2566,2	
Косон		х	27305,4	х	716	х	282,9	х		х		х		х	28304,3	
Касби	7276,8	х	1138,2	х	188,5	х		х	555,2	х		х		х	9158,7	
Муборак	6179,4	х	250914,5	х	21476,2,7	х	429359,7	х	225760,1	х	221296,2	х		х	1348272,6	
Нишон	82220,1	х	281953,5	х	57138,5	х	4892,8	х	102459,7	х	9513	х	253029,5	х	791207,1	
Чироқчи		х		х	634,4	х	500,9	х		х	401	х	3920,4	х	5456,7	
Шахрисабз	1394,9	х	2556,2	х	1143,8	х	562,9	х		х		х		х	5657,8	
Яккабоғ		х	2091,5	х	184	х	168,2	х		х		х		х	2443,7	
Миришкор	63947,2	х	3501,3	х	87345	х	113,7	х		х		х		х	154907,2	
Жами	695859,3	589416,2	819383,5	628172,8	508717,7	456911	464405,8	448003	719316,4	494428,4	837450,9	380389,5	846542,5	358191	4891676,1	3355511,9

